ИЮЛНИНГ ҲАР ДАМИ — ҲОСИЛ ҲАМДАМИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 132 (3104).

9 июль

ЖУМА

1965 йил

Баҳоси 2 тийин.

ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАМИЗ

Биз эрта баҳордан бери бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилмоқдамиз. Ҳар гектар ерда 90 — 95 минг тупдан кўчат бор. Ҳосил шохлари, шона, гул, тугуничалар кундан-кунга кўпайяпти. Лекин, бу деган сўз, энди хотиржам юраверсак ҳам бўлади, деган гап эмас, албатта. Негаки, кўчатлардаги ҳозирги шона, гул, кўсаклар ҳали хом. Уни оппоқ пахтага айлантириш учун жуда кўп ишларни бажаришимиз зарур. Буни бригадамиз аъзолари яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам мўл ҳосил тўпланадиган ва ҳосилга-ҳосил қўшадиган мана шу июль ойи ичида бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлашга ахд қилганмиз.

Асосий диққат-эътиборимиз бирон туп ҳам кўчатни нобуд қилмасдан, ҳосил пишиб етилгунча сақлаб қолишга қаратилган. Маълум бўлишича, областимизнинг айрим хўжаликларида кўчат қалинлиги у қадар талабга жавоб бермайди. Шундай экан, бир туп кўчатда бир ярим-икки туп кўчатнинг ҳосилини етиштириш тадбирларини кўрмоғимиз керак. Биз худди ана шундай қиляпмиз. Бунинг учун ғўза қатор ораларига ишлов беришни сира бўшаштирмай сифатли ўтказамиз. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, ҳар туп ғўзанинг сувга қонишини таъминлаяпмиз. Лозим топилган карталарга шарбат оқизяпмиз.

Мўл ҳосил етиштириш учун олиб бораётган бу курашимизда бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишлаётган аъзоларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Моҳир механизаторлар — звено бошлиқлари Ғаффор Пирматов, Сотиболди Умаров ўртоқлар ғўза қатор ораларини ўз вақтида сифатли ишлаяптилар. Асқар Нишонов, Холдор Иброҳимов, Тўхтасин Маталов каби моҳир сувчиларимиздан жуда-жуда миннатдормиз. Улар ўз вазифалари масъулиятли эканлигини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам иш икки сменада ташкил этилиб, ғўза кечаю-кундуз қондириб суғориляпти.

Биз йил бошида 152 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 ўрнига 45 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз, деб сўз берган эдик. Гапимиз битта. Пахтакорларимиз ўз ваъдаларининг уддасидан чиқиш мақсадида баракали хирмон кўтариш учун то йиғим-терим бошлангунга қадар астойдил меҳнат қилишади, ғўза парваришини сифатли давом эттиришади.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Юқори Чирчиқ, «Политотдел» колхозининг участка бошлиғи.

ПАХТАЗОР ЛОЧИНИ

Муздек тонг шабадаси кишининг танасига ҳузур бахш этади. Жимликни карта чеккасида турган универсалнинг гуриллаган овози тезда бузиб юборди. Ўрта бўйли, қорачадан келган, кенг яғринли йигит агрегатнинг ишчи қисмларини кўздан кечирар экан, кўнгли тўқ бўлди. Кейин рулга ўтириб машинани пахтазор томон бурди.

«Пўлат от» бир текисда юриб кетди. Бундан бир неча кун олдин қониб сув ичган пайкаллардаги ғўзалар барқ уриб турибди, бўйи тиззадан ошиб қолибди. Трактор қатор ораларда юрар экан, культивациядан чиққан ғўза бўйига бўй қўшгандек туюларди.

Рулда ўтирган йигит ўз ишидан мамнун эди. Сабаби сувдан чиққан ғўзалар ўз тобида культивация қилиняпти. Вақтида культивация қилинаётган карталардаги ниқолларнинг ҳаммаси теп-текис, авжи яхши. Баравар ҳосилга кирляпти.

Коммунист ўртоқ М. Бўканов раҳбарлик қилаётган звенода ғўзанинг ҳосил тугиши ёмон эмас. Звено аъзолари 50 гектар майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан хирмон кўтарамиз, деб сўз беришган. Ҳар бир деҳқон сидқидил меҳнат қилмоқда. Эртадан кечгача тер тўкиб ишлаяпти. Ғўзани суғориш ҳам, чопиқ қилиш ҳам, ўтини юлиб ташлаш ҳам ўз вақтида обн-тобида ўтказиляпти.

Ниҳолларни кўздан кечирамиз. Чиройли, бақувват шохларда ғужғуж шона ва гуллар. Кўсаи тугиши ҳам чакки эмас. Унинг сони кун сайин кўпайиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг тер тўкиб қилаётган меҳнатларининг дастлабки самараси-дир.

Механизатор звено бошлиғи Бўкановни бу ердагилар пахтазор лочини деб аташади. Ҳақиқатан ҳам бу тўғри гап. У ғўза парваришида намунали меҳнат қилиб бошқа механизаторларга ибрат бўляпти. Чарчаш нималигини билмайди. Ҳосилни йиғиштириб олганимиздан кейин дам оламиз дейди у.

Меҳнат қилган тақдирланаркан. Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти бу звено бошлиғининг ишларидан беҳад хурсанд. Звено бошлиғининг ташкилотчиликдаги хизматлари ҳисобга олинди. Яқинда у коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олишга муяссар бўлди. Бу фақат звено бошлиғига эмас, унинг аъзоларининг ҳам ҳалол меҳнатларига берилган баҳодир. Звено аъзолари эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш билан бирга июль ойи охиригача ғўзани яна бир марта комплекс парвариш қилишга ахд қилишди.

Э. ОТАБОЕВ,
Оққўрғон районидаги Охунбоев номли колхоз.

ИШЛАР ЎЛДА-ЖЎЛДА

Катта ариқнинг нариги томонидаги кенг картада ўнга яқин қизжувон чопиқ қилаяпти. Биз уларнинг ишлари билан қизиқдик. Сифатни кўздан кечирдик. Баъзи карталардаги «чопиқдан чиқарилган» ғўзалар сўлиб ётибди. Ў ербу ерда эса ўтларнинг илдизи билан юлинмагани учун у яна ўса бошлаган. Чопиқлар сифатига эътибор берилмабди. Кўчат атрофига тупроқ тўпланмаган, аксинча ўсимликнинг илдизини очилиб ётибди. Чопиқчи Ашиной Ўринбоева ёнига келдик. «Синглим ғўзанинг тагини юмшатиб чопмабсизда», деб гапирсак, бизга эътироз билдириб, «йўқ буни мен чопмаганман. Ибодат Эшонқулова чопган бўлса керак» деб айтди. Биз у аёлдан сўрадик. У эса ўзини оқлаб, Жамол Манбетовани кўрсатди.

Шу ўртада гапга сифат инспектори Қунус Мусаев аралашиб:

— Тузукроқ чопиқ қилсаларинг бўлмайдими, мени уялтирдиларинг-ку, — деди.

Картанинг четида ишлаётган ўрта бўйли аёл инспекторга қараб, деди:

— Ҳа деб шундай дейсиз-у, лекин кетмонларимизни чархлатиб беришни ҳеч ўйламайсиз. Шундай бўлгандан кейин, ишимизда сифат ҳам бўлмаяпти-да.

Ўртоқ Барот Қодиров бошлиқ 1- участкада ғўзаси ўт ичида қолган ер 15 гектардан ошади. Лекин шунга қарамай участкада ғўзаларни бегона ўтлардан тезроқ тозалаш билан деярли ҳеч ким чинакамига шуғулланмаяпти. Участка бошлиғи ҳам, сифат инспектори ҳам ўт босган ерларимиз бор дейдилар-у, аммо уларни тезроқ тозалаш тадбирларини кўрмаётгирлар. Бу ерда ишга чиқувчиларнинг сонигина ҳисобга олиняпти. Кимнинг қандай чопиқ қилаётганлиги билан эса чуқур шуғулланилмаяпти. Айрим колхозчилар қатор ораларидаги бегона ўтларни тагтомири билан суғириб ташлашга ва чуқур чопиқ ўтказишга тўла эътибор беришмаяпти. Участкада карталар ҳар бир колхозчига бириктилиб қўйилмаганлиги ва қилинган иш сифатига қараб қабул қилиб олинмаётганлиги сабабли ҳам ана шундай кўнгилсиз аҳвол содир бўлмоқда.

Участкадаги ўртоқ Назир Ашуров бошлиқ звенонинг 30 гектар ери бор. Бу ерда қатор ораларига ишлов бериш ёмон уюштирилган. Анчагина картадаги ғўзалар ўсишдан орқада қолиб кетган. Звеноннинг пахтазори бир текис ривожланмаяпти. Ўт босган, чанқаб ётган ғўза пайкаллари анчагина. Участка аъзолари ишни илғорлардан ўрнак олган ҳолда ташкил қилмаганлар. Суғориш икки сменада олиб борилмаяпти. Культивация саёз. Ғўзанинг кўкига маҳрурланиб юришибди. Пахтакорларнинг бутун куч ва эътибори ҳар туп ғўзада кўпроқ ҳосил тўплашга қаратилмаяпти бу ерда.

Биз участка бошлиғи ўртоқ Б. Қодировдан ҳар гектар ерингизда қанчадан кўчат бор, деб сўрасак, у бепарволик билан, мажбуриятимизни қоплайдиган даражада кўчат етиштираяпмиз, ҳар гектар ердаги кўчатимиз 83 минг тупдан кам эмас, — деди.

Ваҳоланки, участка бошлиғининг бу сўзлари ҳақиқатга тўғри келмайди. Амалда эса 68 — 70 минг туп кўчат бор. Баъзиларида эса ундан ҳам кам. Демак, маҳрурланишга ҳеч ўрин йўқ. Зиммага олган мажбуриятни қоплаш учун ҳар бир кўчатда 2-3 кўчатнинг ҳосилини тўплаш керак. Бунинг учун кеча ва кундуз тўхтовсиз ишлаш зарур. Ғўзани сифатли культивация қилиш билан бир қаторда етарли миқдорда озиқлантириб, қондириб суғоришга эришиш керак. Ана шундагина июнь ойида йўл қўйилган камчиликлар июлда тўла-тўкис тугатилади.

Т. ИУЛДОШЕВ,
Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.
Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз.

Июль — ҳосилга - ҳосил қўшиш ойидир. Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг Абдусаттор Туёқбоев бошлиқ звено аъзолари буни яхши тушунишади. Ахир улар 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан «оқ олтин» етиштиришга ваъда беришган. Звено пахта далаларида бўлсангиз мўл ҳосил учун чинакам кураш олиб борилаётганлигини кўрасиз. Ғўзалар меёрида қондириб суғориляпти, қатор оралари сифатли юмшатиляпти. Шона, гул, кўсакларни кўпайтириш учун нимани зарур бўлса ҳаммаси изчиллик билан амалга оширилаяпти. Бу ишларда звено бошлиғи Абдусаттор Туёқбоевнинг ҳиссаси катта. Культивацияни соз ўтказиб, ғўзаларни яшнатаяпти. Суратда: (чапда) культивация вақти, (ўнгда) звено бошлиғи Абдусаттор Туёқбоев универсал рулида.

А. Абалян фотоси.

МУСОБАҚАДОШЛАР МАСЛАҲАТИ АСОСИДА

Яқинда областимизга келган мусобақадош сирдарёликлар «Победа» колхозининг далаларида ҳам бўлишган эди. Улар ҳар бир картани синчиклаб кўздан кечиришди. Пахтакорларнинг ҳосил тўплаш соҳасида қилаётган ишларидан хурсанд бўлишди. Шу билан бирга йўл қўйилган камчиликларни рўйрост очиб ташлашди.

Колхоз аъзолари 1400 гектар пахта майдонидан 2600 тонна «оқ олтин» топшириш учун курашяптилар. Асосий майдонларда олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланмоқда. Раҳмонқул Бозорбоев, Ибодулла Турдиқулов, Анорбой Қурбонбоев ўртоқлар бошлиқ участкалардаги ғўзалар кўз-кўз бўлиб турибди. Бу ерда ўсимлик бегона ўтлардан батамом тозаланганлиги сабабли ҳам тез ҳосилга кирмоқда. Абдуғаффор Холиқбердиев, Қўшбоқ Эгамбердиев, Худойқул Эгамқулов ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари ҳар гектар ердан 30—32 центнердан ҳосил тўпламагунимизча даладан чиқмаймиз, дейишмоқда.

Пахтакорлар йўл-йўлакай ишдаги камчиликларни тузатишяпти. Деҳқонлар ўсишдан орқада қолаётган ғўзаларни тезроқ олдингиларига етказиб олишга ҳаракат қилишяпти. Қўшимча равишда озиқлантиришиб, сифатли культивациядан чиқаришмоқда. Улар ҳар туп кўчатда 2—3 туп ғўзанинг ҳосилини етиштириш учун қизғин кураш бошладилар. Пахтакорлар июль — ҳосилга-ҳосил қўшиш ой деб эълон қилдилар, ҳар бир киши далада бўлсин, мўл ҳосил тўплашга муносиб ҳисса қўшсин, деган чақириқ асосида меҳнат қилишмоқда.

Д. БОҚИЕВ,
К. ХУЖАНОВ,
Бекобод райони.

Дўстлигимиз абадий

БОЛГАРИЯЛИК МЕҲМОНЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИГА ДОИР

Чўлпон Каримова ҳаяжонда... Чинни заводининг цех бошлиги бўлган бу аёл турли-туман саволларга жавоб бериши керак эди. Завод қанақа маҳсулот тайёрлайди? Хомашё қаёрдан келади? Мутахассислар қандай тайёрланади?

Чўлпон ўз заводини беш қўлдай яхши билади. Бу ерда ишлай бошлаганига ўн йилдан ошди. Болгариялик дўстлар ундан шуни билиб олишдики, мутахассислар заводнинг ўзида тайёрланади. Хомашё Ўзбекистоннинг ўзидан, Самарқанддан келтирилади. Тайёрланадиган маҳсулотларнинг тури эса юздан ортиқ.

Меҳмонлар қолиплаш цехи орқали печлар ўрнатилган жойга ўтишди. Бу печларда чинни қарийб 800 даража иссиқликда пиширилади. Чинни бу ердан бадиий цехга, ундан кейин тайёр маҳсулотлар омборига жўнатилади. Миллий ҳашамлар билан безатилган чой сервизлари, миллий буюмлар, вазалар болгариялик дўстларнинг эътиборини ўзига жалб этди.

Улар завод усталарининг санъатига қойил қолишди.

— Қойил-е, шу биргина вазанинг ўзида ҳам усталарнинг таланти, ҳам маҳсулотнинг юқори сифати, ҳам ўзбек халқининг миллий маданияти яққол акс этиб турибди. Биз бу завод усталарининг ютуқларидан ғоят мамнунмиз.

Кейин болгариялик дўстлар Тошкентнинг бошқа усталари — тикувчилар иши билан танишдилар. Улар пайпоқ-трикотаж бирлашмасининг 4-филиали ишчилари ҳузурига келдилар. Жун, капрон ва ип газламадан тикилган хотин-қизлар ва болалар кийимликлари... Уларнинг тури 200 дан ошади. Болгариялик аёл Мария Граматикова ўзининг тошкентлик дугоналаридан ғоят хурсанд бўлганлигини билдирди:

Болгариялик меҳмонларни амалий масалалар ҳам қизиқтирди: бу корхона савдо ташкилотлари билан қандай алоқа қилади? Харидорларнинг фикри бирлашма маъмуриятига маълум бўлиши учун қандай тадбирлар амалга оширилади?

Бизга айтишдики, пайпоқ-трикотаж бирлашмасининг магазинларда ўз вакиллари бор. Улар харидорларнинг эътироз ва таклифларини ёзиб олишади ва коллектив муҳокамасига қўйишади.

Хасковоликларга ипак, жун, ип ва капрондан тайёрланган маҳсулотлар жуда маъқул тушди:

— Сизлар сермеҳнат ишларни механизациялаштириш борасида катта ишлар қилибсизлар. Юксак сифатга эришишларингизни тилаймиз.

Серқуёш Болгариядан келган меҳмонлар тошкентлик тикувчилар билан хайрлашиб, «Полярная звезда» колхози томон йўл олишдилар.

Делегатлар «Полярная звезда» колхозида меҳнатни ташкил этишнинг ҳамма «сир»ларини, хўжалик ҳисоби методининг ҳамма нозик томонларини, колхозга партиявий раҳбарликнинг тажрибасини билиб олишга ошиқдилар.

Худди шу масалалар меҳмонларни «Политотдел» колхозида ҳам қизиқтирди. Лекин хасковоликлар бу ерда бошқа бир нарсага эътибор қилишди. Янко Янев Георгиев ва Иван Петров Михайлов ўртоқлар колхозда 500 дан ортиқ комсомол борлигини эшитишгач, колхоз правленнеси аъзоларидан сўрашди:

— Жуда соз, демак сизлар ёшларга қишлоқда яхши шароит яратиб бергансизлар?

— Ҳа, қизлар ва йигитларнинг кўнгилдагидек ишлашлари, ўқишлари ва маданий дам олишлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Колхозимизда катта стадион бор, ўн бешта спорт секцияси ишлаб турибди...

Хасковоликлар «Политотдел»да хашаматли мактаб биноларини, ажойиб маданият саройини, янгидан қурилаётган стадионни кўриб ғоят ҳурсанд бўлдилар. Буларнинг ҳаммаси улар берган саволга ўз-ўзидан жавоб эди. Шунинг учун ҳам колхоз ёшлари ўз қишлоқларини севишади, унинг янги равноқи учун курашадилар.

...Кенг асфальт йўл дўстларимизни яна меҳмондўст Ўзбекистоннинг пойтахтига бошлаб келди. Юрий Гагарин номидаги пионер лагери. Бу ерни «Космик республика» деб аташади. Лагерда традицион отряднар, звенолар йўқ. «Космик республика»да юлдузлар сари тезучар «экипажлар» бор Космик пионерия дўстликни жуда қадрлайди. Меҳмонлар бунга ҳар қадамда амин бўлдилар. Болалар хасковоликлардан жуда кўп нарсаларни сўраб олишди, ўз ҳаваскорликларини намойиш қилишди. Болгария болаларига алангали пионерлик саломини йўллашди. Меҳмонлар бу ерда ўзларини худди уйларидагидек ҳис қилдилар. Ахир улар қувноқ пионерлар оиласининг ҳақиқий аъзолари-да: болалар Г. Корцанов, М. Граматикова, И. Михайлов, Я. Георгиев, И. Ивановларни «Космик республика»нинг фахрий пионерлари қилиб қабул этдилар.

Меҳмонларни болгар-совет дўстлиги жамияти Тошкент бўлимининг правленнеси аъзолари ҳам қизғин кутиб олдилар. Хасково округи делегатлари билан учрашишга бағишланган кечада меҳмонлар жамият комиссия ва комитетларининг иши билан танишдилар, республикамизда Болгария озодлиги куни ўтказилишидан хабардор бўлдилар. Г. Корцанов бу ерга йиғилганларга ўз Ватанидаги совет-болгар дўстлиги жамиятининг иш фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

Мана, меҳмонларнинг сафари тугалланай деб қолди. Делегатлар ўз ватанларига жўнаб кетишлари арафасида уларни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ В. Г. Ломоносов қабул қилди. Қабул маросимида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов қатнашди. Делегация раҳбари, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Хасково округ комитетининг биринчи секретари Г. Корцанов болгариялик дўстлар номидан Тошкент областига келишни таклиф этганликлари учун миннатдорчилик билдирди.

— Биз бу ерда кўп нарсаларни ўргандик, — деди Г. Корцанов, ўзаро тажриба алмашганимиз Хасково округи ва Тошкент областининг халқ хўжалиги, фани ва маданиятининг бундан буён янада гуллаб-яшнашига хизмат қиладиган.

Кечқурун Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг мажлислар залига пойтахт меҳнаткашлари, область партия ва совет ташкилотларининг вакиллари, хўжаликларнинг раҳбарлари йиғилдилар. Бу ерда болгар ва совет дўстлиги митинги бўлди.

Президиумда Тошкент область партия комитетининг бюро аъзолари, болгариялик меҳмонлар, Тошкент шаҳри ва области жамоатчилигининг вакиллари ўтиришибди. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов область меҳнаткашлари номидан Хасково округи делегатларини қизғин қутлади.

Залда ўтирганлар Совет Иттифоқи ва Болгария Коммунистик партиялари шарафига, болгар-совет дўстлиги шарафига айтилган табрик сўзларини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Тошкент кабель заводининг ишчиси Людмила Макарова минбарга кўтарилади.

— Бизнинг заводимиз жаҳоннинг 30 мамлакати учун маҳсулот тайёрламоқда, — дейди у, — биз айниқса болгариялик дўстларнинг заказларини чин кўнгилдан бажарамиз.

Болгар-совет дўстлигига бағишланган митингда чет тиллар институтининг ректори Ш. Жўраев, «Чиноз» наслчилик совхозининг директори К. Аъзамов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг инженери Н. Қодиров ўртоқлар сўзга чиқиб Совет Иттифоқи ва Болгария халқлари ўртасидаги дўстликнинг буюк аҳамияти тўғрисида, тошкентликлар ва хасковоликлар ўртасидаги ўзаро тажриба алмашишнинг аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Хасково округининг делегатлари номидан Болгария Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, округ партия комитетининг биринчи секретари Г. Корцанов нутқ сўзлади.

Биз буюк устозимиз Георгий Димитровнинг Болгария ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстликни кўз қорачиғидай сақлаш тўғрисида қилган васиятини муқаддас деб биламиз. Бизнинг диёримиз бу ердан мингларча километр йироқда. Лекин ҳар қандай масофани ҳам яқинлаштира оладиган куч бор. Бу куч — болгар-совет дўстлигидир! Биз сизларнинг халқингиздан ўрганмоқдамиз ва ҳамиша ўрганамиз. Хасково пахтакорлари тошкентликлар тажрибаси асосида мана икки йилдирки, далаларда ғўзани бу ердагидек суғориш усулини қўлланмоқдалар.

Биз тошкентлик дўстларга сабзавот экинларини яна ҳам яхшироқ ўстириш, болгарча усулда ғишт пиширишда, қишлоқларда чиройли уйлар қуришдаги ўз тажрибаларимизни ўртоқлашаётганлигимиз учун ҳам ғоят қувонмоқдамиз. Мутахассисларимиздан Я. Георгиев ва И. Иванов ўртоқлар бу соҳада дастлабки ишни бошладилар.

Биз бундан буён ҳам ишдаги илғор тажрибаларимизни бир-биримиз билан ўртоқлашамиз.

Г. Корцанов ленинча КПСС Марказий Комитети шарафига, болгар-совет бузилмас дўстлиги шарафига табрик сўзлари айтади. Делегация номидан у Тошкент области меҳнаткашларига қимматли ёдгорлик — оташин коммунист Георгий Димитровнинг сурати туширилган Қизил байроқни тақдим этади. Меҳмонларга эсдалик совғаси — «Ўзбекистон ССР 40 йил ичида» деган альбомни тақдим этилди.

Кеча Хасково округининг делегатлари Ўзбекистондан жўнаб кетдилар. Тошкент аэропортида меҳмонларни область партия комитетининг бюро аъзолари, партия, совет активининг вакиллари кузатиб қолдилар.

Суратда: болгар-совет дўстлигига бағишлаб ўтказилган митинг залида. (Чапда) Болгария Коммунистик партияси Хасково округ комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. Корцанов нутқ сўзламоқда.

А. Абалян фотоси.

ЯХШИТЕПАГА ЙЎЛУЗОҚ

МАДАНИЯТ, АХЛОҚ, ТУРМУШ

□ □ □

Ҳурматли редакция!

Биз Тошкент яқинидаги Яхшитепа қишлоғида яшаймиз. Бу ерга узоқдан — Қашқадарёдан келганмиз. Мана, ўн беш йилдирки, янги ерларда меҳнат қиляпмиз, пахта ва бошқа экинлардан чакки ҳосил олмаяпмиз. Уйимизда ҳамма нарса бисёр. Лекин бизни ҳаётнинг бошқа томони ранжитаяпти: мактаб, магазин, клуб, яхши шифохона ва маиший муссасалар йўқ. Қишлоғимиз район марказидан атиги беш километр узоқликда бўлса ҳам, дурустгина йўл йўқ.

Бизга ғамхўрлик қилишларини сўраб район, область, республика ташкилотларига мурожаат қилдик. Лекин ҳеч қандай ёрдам беришмади. Ўтинчи сўрайлик: бизга ёрдам берингилар.

Ҳикмат ЭШҚУВВАТОВА.
«Ленин йўли» колхозининг аъзоси.
Тошкент области.

* * *

Мазкур хат бизни йўлга отлантирди.

Тошкентдан чиқиб бир соат ичида етмиш километрлик масофадаги Бўкага етиб бордик.

— Яхшитепага қандай борсак бўлади?

Одамлар елка қисишди. Биров «билмайман» деса, биров «уёққа йўл йўқ» дейди.

— Ахир одамлар у ёққа қандай қилиб боришади?

— Ким қандай қилиб борса бораверади-да...

«Ленин йўли» колхозининг идораси билан бу қишлоқ ўртасидаги масофа беш километр экан. Шундай қисқа бўлса ҳам, жуда оғир йўл экан. Биз кетаётган юк автомашинаси ҳар қадамда «қоқиларди». Биз машинада эмас, балки ўнқир-чўнқир йўллардан эмаклаб бораётганга ўхшардик. Эски қишлоқ йўли бўйлаб иккита чуқур из кетган. Бу излар худди қуриб қолган ариқчаларни эслатади. Шоферлар, аравакашлар ва пиёдалар текисроқ йўл қидириб, экинзорни пайхон қилиб кетганлар.

— Мана, қишлоққа ҳам келдик, — деди ҳамрохимиз, маҳаллий мактаб ўқитувчиси Орзиқул Тонготаров. — Мана бу Элбой қанали. Ўз қўлимиз билан қазиганмиз. Бизда яхши жойлар ҳам...

Яхшитепа. Узоқ Қашқадарёдан Чирчиқ воҳасига келган одамлар ўзларининг янги қишлоқларига шундай деб ном берганлар.

Қамишдан ва бегона ўтлардан тозаланган, обдон ишланаётган ва тўйдирилаётган бу ерлар ҳосилини кишилардан аямаяпти. Гектар бошига 29—30 центнердан пахта ҳирмони кўтариляпти.

Одамлар бу зрларни яшил воҳага айлантириш учун 15 йилдан буён табиат инжиқликлари билан курашиб келмоқдалар. Ҳозир қишлоқдагилар бадавлат яшашади. Ҳар бир уйнинг дастурхони тўкинсочин. Лекин қишлоқда маданият тўғрисида ғамхўрлик қилинаётганлиги сезилмайди.

Қишлоқ бўйлаб кетяпмиз. Ўқитувчи Тонготаров ўзи ишлайдиган мактабни кўрсатди. Бэшта кичкинакичик хонаси бўлган бир чоғроқгина бино экан. Шу хоналарнинг учтаси яроқлик. Қолганларининг эшиги михлаб ташланган.

— Болаларни бир сменада ўқитсак ҳам бўлади, лекин партталар етишмайди. Мана, бор парталарни ҳам кўриб турибсизлар-ку, қандайлигини.

— Мактаб жуда кичкина. Қишлоғимизни бўлса кўринг, қандай катталашиб кетган! — деб гапга аралашди мактаб қоровули Жўрабобо Жалилов, — Аҳоли беш юздан, ошади, болалар ҳам кўп. Уларнинг атиги етмиштасигина ўқияпти, холос. Булар ҳам тўртинчи синфни битиришади-да, қишлоқда қолиб кетишади. Бу «оролимиздан» саккиз йиллик мактаб жойлашган жойга бориш жуда қийин.

— Айниқса қизларга қийин, — деб қўшиб қўйди мактаб уборщицаси Жумагул Шодиева. — бултур этти қиз тўртинчи синфни тугатган эди. Лекин уларнинг иккиси бешинчи синфга қатнаяпти. Қатнаганда ҳам қандоқ денг, борса боради, бормаса йўқ.

— Бўкага, район маориф бўлимига қишда ва ёзда, баҳорда ва кузда ўн марта пиёда боришга тўғри келди, — деди колхозчи Ҳикмат Эшқувватова, — ишонасизми, ўн марта-я! Мен уёққа ҳамқишлоқларимизнинг саккиз йиллик мактаб қуриш тўғрисидаги илтимосини етказгани борган эдим. Бекорга овора бўлдим. Ҳар борганимда мени район ижроия комитетига юборишди. У ердагилар бўлса ҳамиша «мактаб қуришга имкониятимиз йўқ» деб жавоб беришади.

Мактабнинг шундай ёнида пасткина бир уй бор. Бу уйнинг атрофи негадир тиконли сим билан ўраб қўйилган эди. Эшиклари эса ёлғ. Унга «Амбулатория» деб ёзиб қўйилибди. Маълум бўлишича бу амбулаторияда фельдшер ишлар экан. Лекин у район марказида яшаркан. Керак бўлган пайтда уни қидириб топа олмас эканлар. Ҳатто колхоз правлениеси билан ҳам телефон алоқаси йўқ экан.

Қишлоқда ҳеч қанақа магазин йўқ. Яхшитепаликлар ҳатто кундақунда керак бўлиб турадиган совун, туз, гугурт ва бошқа молларни олиб келиш учун азоб-уқубат билан саккиз километрлик масофага бориб келадилар.

Бу ерда ҳаммом ҳам, сартарошхона ҳам йўқ.

Оналар бола боғчалари ва ясли-лари, тикув ва ремонт устахоналарининг бўлишини орзу қиладилар. Ёшлар эса кечқурун тўпланишиб гуруғлашадиган, ҳордиқ чиқарадиган клуб тўғрисида ўйлайдилар.

— Биз тўқ яшаяпмиз, — дейди бригадир Талли Аязов. — Топаётган пулимиз чакки эмас. Ҳар қанча нарса сотиб олишга ҳам, ҳар қанақа бинони қуришга ҳам қурбимиз етади. Лекин бизга ҳеч ким ёрдам бермаяпти. Кўриб турибсизларки, қишлоғимиз жуда ёйилиб жойлашган: ҳар бир тепанинг ортида икки-уч оила... Кўпгина уйлар пахсадан қилинган, кўримсиз. Биз бошқача яшашни истаймиз. Янги, ёруғ, ғиштдан қурилган уйлар керак. Қани энди уйларимизни тезроқ қайтадан қуруб олсак...

Яхшитепаликлар ҳақ. Шуниси кишини қаттиқ ранжитадики, қишлоқнинг айрим раҳбарлари, биринчи навбатда колхоз раиси ўртоқ Бўриҳўжаев, афтидан, деҳқонлар ҳаётидаги дунёқараши ва кайфиятларидаги катта ўзгаришларни, тушунмаётганга ўхшайдилар. Бугунги деҳқон учун моддий бойликларнинг ўзигина кифоя қилмайди, У маънавий ҳаётга чанқоқ.

Бўка район партия комитети яхшитепаликларнинг аризаларига мувофиқ турли ташкилот ва муассасаларга «Яхшитепа қишлоғининг эҳтиёжлари тўғрисидаги масала ижобий ҳал этилсин» деб бир неча марта буйруқлар берган.

Лекин иш қоғоздан нарига ўтмади.

Аминмизки, Тошкент областининг раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб оладилар.

И. МУҚИМОВ,
А. ЧУМАЧЕНКО.

Яхшитепа қишлоғи.
Ўзбекистон ССР.
(«Правда» 6 июль).

Л У Қ М А

„КООПЕРАТОРМИ, КИНООПЕРАТОР?“

Шу йил 4 июлда мамлакатимиз савдо ходимлари, жаҳон жамоатчилиги Халқаро кооперация кунининг 43 йиллигини кенг нишонлади. Бошқа ижодий ташкилотлар қатори Тошкент телевизион студияси ҳам «Телевизион янгиликлар» деган эшиттиришда бу кунга алоҳида саҳифа ажратди. Лекин телестудия ходимлари бирйўла икки хил касб эгаларининг «кўнглини олишганига» ҳайрон бўлдик.

Гап шундаки, Халқаро кооператорлар кунига бағишланган эшиттиришни диктор (Н. Қамбарова) «Халқаро кинооператорлар куни» деб эълон қилди ва кинооператорлар адресига илиқ-иссиқ гаплар айтди. Шундан кейин зангори экранда Тошкент область магазинларининг илғор иш усуллари ҳақида ҳикоя қилувчи кадрлар бирин-кетин ўта бошлади.

Қизиқ, наҳотки телевизион студиянинг ижодий ходимлари кооператорлар билан кинооператорларнинг фарқига боришмаса? Бу билан улар кинооператорларни ҳам, кооператорларни ҳам «кўнглини олиш» ўрнига қайтага ранжитиб қўйишмадимикан? Иккита супанинг ўртасида ўтириб бўлмайдику ахир.

А. МИРАҲМЕДОВ.

«Ўзбекбирлашув» китоб савдоси бўлими бошлиғининг ўринбосари.

КОЛХОЗДА КОНДИТЕРХОНА

ЯНГИБОЗОР, (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида Ўзбекистонда биринчи марта қишлоқ жойида кондитер маҳсулотлари тайёрлаш корхонаси ташкил қилинди. Кондитер маҳсулотларининг катта бир туркими-пирожное, кекс, ванил палочкалар, ширин кулча, булка ва бошқа маҳсулотлар тайёрланиб, бутун қишлоқ магазиналарига, дала шийпонлари ва болалар муассасаларига юборилди.

Колхозда кондитер маҳсулотлари тайёрлаш учун махсус бино қурилиб, у механизациялаштирилди, газлаштирилди. Бу корхона бир кунда беш юз килограммгача хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

САНОАТ ЭСТЕТИКАСИ— ЁШЛАР ФАНИ

Илгарилари Иттифоқимиз саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида техника эстетикаси проблемаларини ҳар ким ўз ҳолича ҳал этар эди. Шу масала билан шуғулланувчи, назария ва практикасини ҳал этувчи бирорта ҳам ташкилот йўқ эди. Ҳозир эса техника эстетикаси ва ишлаб чиқариш маданияти масалалари билан шуғулланувчи махсус Бутуниттифоқ институти, республика ва халқ хўжалиги кенгашларида эса бўлим ҳамда ташкилотлар мавжуд. Шундай ташкилотларнинг бири Литва халқ хўжалик кенгашида иш олиб бормоқда. Бу марказий лойиҳалаш конструкторлик бюроси ходимларининг катта группаси саноат бинолари ва агрегатлари лойиҳаларини тайёрлаш билан банд.

Бюронинг иши ва вазифалари ҳақида техника эстетикаси бўлими бош конструктори В. Байткус АПН мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Инсон меҳнатига гўзаллик бахш этиш, корхона, цех ва ишчи ўринларини ҳозирги замон саноат буюмлари билан бойитиш — бизнинг вазифамиздир. Бу ишлаб чиқаришни эстетик жиҳатдан қайта қуроллантиради. Натижада техник, иқтисодий, психологик, физиологик ва социал факторларни ўз ичига олган меҳнат илмий принциплар асосида қайта ташкил этилади. Булардан мақсад инсоннинг меҳнат шароитини яхшилаш ва у тайёрлаётган саноат буюмлари сифатини аъло даражага кўтаришдир.

Корхоналар интерьерларини қайта ускуналаш бўйича юзга яқин лойиҳа ҳозиргача тайёрлаб қўйилди. Уларни ҳаётга татбиқ этувчи бир қатор янги шаклдаги машиналар, станоклар ва приборлар ҳам шай. Бош конструктор бизга узундан-узоқ рўйхатни ҳавола қилди. Бу тушган заказлар рўйхати экан. Уларни бажариш учун ўтган ойлар мобайнида ходимлар сонини икки марта оширишга тўғри келибди.

Техника эстетикаси билан шуғулланувчи мутахассислар асосан ёшлар ҳисобига кўпайган. Саноат корхоналари интерьерини лойиҳалаш билан ҳозир Даля Иомантайт шуғулланяпти. Шу кунларда у Вильнюс ҳисоблаш машиналари заводи вистюбли лойиҳасини қўлдан чиқараяпти. Бу гоят гўзал қилиб чизилган. Илгариги заводларнинг қоронғу дахлизларига мутлақо ўхшамайди.

Даля ҳозир 25 ёшда. У Литва республикаси билан тенгдош. 1963 йилда Вильнюс рассомчилик институтини муваффақиятли тугаллаган. Қисқа вақт ичида Каунасдаги Ю. Янолис номли йирик қоғоз фабрикаси, Вильнюсдаги консерва заводи ва бошқа бир қатор саноат корхоналари интерьерлари лойиҳасини ишлаб чиқишга улгурди. Унинг дугонаси Ирена Галинена ҳам рассомчилик институтини тугаллаган. Олдин «Промпроект» институтида ишлади у. Мана бир йилдан бери техника эстетикаси бюросининг ходими. Тиришқоқ қиз Паневежис электрон трубкалар заводи, Аникшчядаги вино заводи, Вильнюс шиліповка станоклари заводи ва бошқа бир қатор корхоналар интерьераси лойиҳаси устида иш олиб борди.

Ёш архитектор ҳамда рассомлар томонидан тақдим этилган ажойиб лойиҳалар ўзининг гўзаллиги, содда ва арзонлиги билан илгаригиларидан фарқ қилади.

Бадиий конструкторлаш фақат Литва эмас, бошқа республикалар учун ҳам янгиликдир. Бу соҳа бўйича ҳали мутахассислар оз. Шунинг учун бадиий конструкторлашга студентларни ҳам кўпроқ жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат маданиятини ошириш ҳозир давлат аҳамиятига эга бўлган бир тадбир бўлиб қолди. Маҳсулот сифатини ошириш учун бошланган курашда у бизга қўл келади. Меҳнат маданияти намунали йўлга қўйилган корхоналарда бу тўла исботланди.

Б. АКСТИНАС,
АПН мухбири.

Бу иккала сурат сабзавот, картошка ва полиз экинлари илмий-текшириш институтидан олинган. Шу кунда бу институт лаборатория ва участкаларида ишлаётган ходимлар қишлоқ хўжалик экинларининг серҳосил навларини етиштириш устида самарали тадқиқотлар олиб бориляпти.

Чапдаги суратда старший илмий ходим С. Сулаймонова анализ ўтказмоқда. Ўнгдаги суратда эса пиёз уруғи етиштирилаётган участкадаги манзарани кўриб турибсиз. (Чапдан) илмий ходим А. Ҳакимов билан младший илмий ходим А. Мустаевлар «Коба» навли пиёз уруғлигини қўздан кечиришмоқда.

В. Салов фотолари.

ЧОРАК АСР

Шу йил октябрда Чирчиқ ГЭСи каскади биринчи агрегатининг ток берганига чорак аср тўлади. Ҳозир энергетиклар шу айёмни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Каскадда энергия ишлаб чиқариш топшириқлари ортиғи билан бажарилмоқда.

Бир томонда нур дарёси оқаяпти, иккинчи томонда бинокорлар корпусларга жило беришяпти. Улар тўйгача ҳаммаёқни оқлаб-кўклаб беришга қарор қилишган. Ҳозир машина залнинг ташқи томони сувоқдан чиқаяпти. Қисқа муддат ичида қурувчилар 2560 квадрат метр жойни суваб бўлдилар. Техника бинокорлар ишига барака киритмоқда. Лебедка қоришмаларни 25 метр баландликка, бинокорлар қўли остига чиқариб бераяпти.

Станциялар ремонтдан чиққач нурхонада меҳнат маданияти яна ҳам яхшиланади.

Э. РЎЗИМАТОВ.

ЭГРИ ҚЎЛЛАР

ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ АМАЛДА

Кейинги вақтларда Калинин район матлубот жамияти шохобчалари ҳақида ҳар хил миш-мишлар тарқалди. Бу ерда бўлаётган ножўя ишлар тўғрисида район ва область ташкилотларига кўплаб шикоятлар тушди. Ниҳоят Тошкент область партия-давлат контроли комитети район матлубот жамияти шохобчаларини чуқур текширувдан ўтказди. Натижада катта камчиликлар, давлат мулкини талон-торож қилиш ва ўғирлаш каби хунук воқеалар содир бўлаётганлиги аниқланди.

1964 йил ва 1965 йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида район матлубот жамияти шохобчаларида йўл қўйилган растраталар, етишмовчиликлар ва ўғириликлар 97 минг 600 сўмга етди. Айниқса Собир Раҳимов номли сельпо, «Назарбек» ишчилар таъминоти бўлимларида юлғичлар фаолияти авж олиб кетди. Бунинг асосий сабаби район матлубот жамияти шохобчаларида ишлаётган кадрларнинг нотўғри танланганлигидадир. Район савдо тармоқларида матлубот жамиятида ишлаётган 1 минг 619 ходимдан атиги 15 киши олий маълумотли. Қолган ходимларнинг аксарияти бошланғич маълумотга ҳам эга эмас. Кадрларни ўқитиш устида ҳеч ким бош қотирмайди. Ишчилар таъминоти бўлимларида ва сельполарда моддий жавобгарлик талаб этиладиган вазифаларга кишиларни текширмай олиш ҳоллари жуда кўп учраб туради. Ҳатто бундай шахслар сельпо правление йиғилишларида ва пайчилар мажлисларида тасдиқланмайди. Бунинг оқибатида моддий жавобгарлик вазифаларга илгари қўли эгрилигидан жиноий жавобгарликка тортилган кишилар кириб ишлай бошлади.

Собир Раҳимов номли сельпога карашли 26-магазин мудири Толип Алимов илгари растрата ва ўғирлик қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилганлигига қарамасдан бундай юқори лавозимга тайинланган. У қисқа вақт ичида 12 минг 700 сўмлик кооператив мулкини «сув» қилиб юборди.

Хатам Йўлдошев «Келес» сельпосига қарашли магазинларнинг бирида мудир бўлиб ишлайди. Бу шахс ҳам илгари жавобгарликка тортилган эди. Вафоқул Фозилжонов (уни Фузаилов ҳам дейишади). Шундай бўлишига қарамасдан Собир Раҳимов номли сельпода магазин мудири бўлиб олди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас дейишгандек Вафоқул Фозилжоларнинг магазин мудири қилиб тайинланишида қандай маъно бор?

Раҳбарларнинг хотамтойлигидан фойдаланганларнинг бири Аҳмад Абубакировдир. Бу киши аввалари ҳам килган гуноҳлари учун бир неча бор жавобгарликка тортилган. У Собир Раҳимов номли сельпо раҳбарларининг ёқасидан кириб енгидан чиқиб, ишга ўрнашиб олди. У 1951—1953 йилларда ҳеч қаерда ишламаган. Лекин Собир Раҳимов номли колхоз раҳбарлари эса унга колхозчи, шу йиллари колхозда ишлаган деган нотўғри справка берганлар.

Район матлубот жамияти раҳбарлари ишчилар таъминоти бўлимлари ва сельполарнинг раислари матлубот жамияти аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги низомини жуда қўпол тарзда бузиб келмоқдалар. Жамият аъзоларидан 30 процентдан ортиқроғи аъзолик пайларини тўламайдилар. Янги кираётган ходимлардан ҳам пай пули ундирилмаётир.

Инвентаризация, ревизия ишлари билан яхши шуғулланилмайди. Ревизорлар моддий жавобгар шахслар билан умумий тил топиб кетиш ҳоллари ҳам бўлган. 1963—1964 йилларда Собир Раҳимов сельпосига қарашли 26-магазинда 12 минг 700 сўм растрата борлиги ёниб кетилган. Қилинган ревизиялар ва инвентаризацияларнинг якуни ўз вақтида тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқилмайди. Қарздорлардан давлат пулларини ундириб олиш жуда суст. Шу йил май ойида 54 минг 700 сўм ҳар кимларнинг қўлида қолиб кетганлиги аниқланди. Кооператив мулкини талон-торож қилганларнинг иши ҳеч қаерда муҳокама қилинмаган.

Район матлубот жамияти шохобчаларида меҳнат интизоми жуда сусайиб кетган. Бу ерда ишлаётган 101 киши 2—3 йилдан бери меҳнат отпускасига чиққан эмас.

Калинин район матлубот жамияти раҳбарлари юқоридаги камчиликларга панжа орасидан қараб келмоқдалар. Улар Ўзбекистон КП Марказий Комитети Президиумининг 1963 йил 23 мартда чиқарган қарорни бажармаётирлар.

Область партия-давлат контроли комитети ишда жуда кўпол хатоликларга йўл қўйганлиги учун Калинин район матлубот жамияти раиси ўртоқ Усмоновни вазифасидан четлатиш масаласини кўйган эди. Бироқ ўртоқ Усмонов йўл қўйган хатоларини бўйнига олиб, аҳволни тезда яхшилашга сўз берганлиги учун унга қаттиқ виговор эълон қилиш билан чегараланди. Область матлубот жамиятига Калинин район матлубот жамияти ишларини яхшилаш, савдо шохобчаларида ишлаётган қўли эгри шахсларни ҳалол кишилар билан алмаштириш вазифаси топширилди.

* * *

Калинин район партия комитети ҳам бу масалани бюро йиғилишида муҳокама қилди ва район матлубот жамияти ишини яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгилади.

Ш. ҚОСИМОВ.

ҚИШЛОҚ СОВЕТИ ВА СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИК

Партиямиз Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни бундан кейин юксалтиришнинг аниқ йўлларини белгилаб берди. Пленум колхоз тузумини бошқаришда демократик асосларни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик артели ишлаб чиқаришининг асосий масалаларини ҳал этишда колхозчиларнинг кенг иштирокини таъминлаш, жамоат мулкини кўз қорачўғидай асраш ҳамда ердан фойдаланишни тартибга солиш лозимлигини кўрсатиб ўтди.

Ана шу масалаларни ҳал этишда биринчи галда меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советлари катта роль ўйнашлари зарур бўлади. Чунки улар Совет ҳокимиятининг қишлоқдаги органларидир.

Маълумки, қишлоқ хўжалик артели Уставига риоя қилиш, ердан ва томорқа участкаларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиб туриш, хўжасизликка, шунингдек қонунни бузувчиларга қарши кураш масалалари қишлоқ Советларининг фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Буни барча қишлоқ Советларининг раислари яхши биладилар. Аммо очиқ айтиш керакки, улар ана шу масалаларга етарли эътибор бермаётирлар. Қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш, ердан фойдаланиш ҳақидаги қонунга риоя этмаслик фактлари кўп содир бўлиб турибдики, бу нарса хусусида алоҳида тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Масалан, Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозида қишлоқ хўжалик артели Уставини кўпол равишда бузиш ҳоллари рўй берди. Бу хўжаликда колхозга аъзолар қабул қилиш масаласи колхозчиларнинг умумий йиғилишида эмас, балки правление мажлисида кўриб келинган. Ҳулди шу колхознинг ўзида социалистик қонунчиликни бузишнинг бошқача кўринишлари ҳам рўй берди. Хўжалик правлениеси ўз ҳуқуқларига юқори баҳо бериб, район матлубот жамиятига қарашли магазин мудирини ишдан олиш тўғрисида қарор чиқарган.

Бундай мисол Бўка районида ягона эмас. «Кўкорол» совхозининг директори ишчиларга жарима солиш тўғрисида буйруқ чиқарган. Шу райондаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг правлениеси қарори билан белгиланган томорқа участкаси нормасидан ошиқча ерга эга бўлган колхозчилардан жарима ундириб олинган.

Оққўрғон районидаги Димитров номли колхоз правлениеси хўжалик аъзоларидан ҳисобланган кишиларни колхоздан ҳайдаш, ҳатто кўчириб юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

Социалистик қонунчиликни бузишдек ана шундай фактлар қишлоқ Советларининг раисларига маълумми? Албатта, улар буни билишади. Ҳамма гап шундаки, қишлоқ советларининг раислари бундай ўзбошимчаликлар билан муроса қилиб келишмоқда. Акс ҳолда бу масалани сессияда депутатлар муҳокамасига қўйишган, колхоз правлениелари ва колхозчиларнинг умумий йиғилишларида қабул қилинган қонунсиз қарорларни йўққа чиқарган бўлур эдилар.

Баъзан қишлоқ ва посёлка Советлари раисларининг ўзлари ҳам қонунга ҳилоф қарорлар қабул қилишга уриниб қолишади. Айниқса СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 11 январдаги «Колхоз ва совхозларнинг экинзорларини поймол қилинганлиги учун жавобгар қилиш тўғрисида»ги Фармонини бажаришда кўпинча нуқсонга йўл қўйилмоқда.

Фармондан маълумки, колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликларнинг экинзорларини мол ёки паррандалар пайхон қилганида эгаларини моддий жавобгарликка тортиш белгилаб қўйилган. Мол ва парранда эгалари колхоз, совхоз ёки бошқа давлат ва жамоат хўжаликларига етказилган зиён учун жарима тўлашлари шарт. Бу жарималар меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ёки посёлка Советлари томонидан белгиланади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, жарима экинзорни поймол қилинган кундан бошлаб узоғи билан бир ой ичида солиниши керак. Кўпчилик қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари қонунни бузиб, жарима солишда ўзбошимчалик қилмоқдалар. Баъзан жарима бир ойлик муддат ўтиб кетганидан кейин ёки қопунда кўрсатилганидан кўпроқ миқдорда белгиланади. Шу билан бир вақтда поймол қилиниш натижасида келтирилган моддий зиённи колхоз ва совхозларга қайтариб бериш тадбирлари белгиланмайди.

Айрим қишлоқ Советлари томонидан социалистик қонунчиликни бузишга йўл қўйилаётганлигига сабаб нима? Шуни айтиш ўринлики, қишлоқ Советлари ходимларининг ўзлари чиқарилган қонунлар билан яхши таниш эмаслар. Бунинг устига район ижроия комитетлари ҳам қишлоқ Совети территориясида социалистик қонунчиликка қандай риоя қилинаётганлиги масаласи билан етарли шуғулланмайдилар.

Текшириш шуни кўрсатдики, кўпчилик районларда бу йил социалистик қонунчиликка риоя қилиш масаласида бирор марта ҳам қишлоқ хўжалик Совети раисининг ҳисоботи эшитилмаган. Баъзи жойларда эса қишлоқ Совети ходимларининг янги чиқаётган қонунларни ўрганиши бўйича машғулотлар ўтказилмаяпти.

Сўнгги вақтда область ижроия комитети қишлоқ Советлари ходимларининг савиясини оширишга қаратилган қатор тадбирлар белгилади. Шу мақсадда июнь ойида қишлоқ Советлари раислари ва секретарларининг семинарлари ўтказилди. Бу семинарларда ҳуқуқ ва социалистик қонунчилик масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда социалистик қонунчиликнинг аҳволи учун қишлоқ Советлари раисларининг масъулият ҳиссини ошириш муҳим вазифадир. Шу мақсадда бундай масалалар меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва район Советларининг сессияларида муҳокама қилиниши керак. Бу сессияларда вақти-вақти билан қишлоқ Советлари раисларининг қонунга риоя қилишни таъминлаш ва гражданлар ҳуқуқини ҳимоя этиш бўйича қилаётган ишлари юзасидан ҳисоботини тинглаб бориш фақат фойда келтиради. Социалистик қонунчиликка ҳеч сўзсиз риоя этишни назорат қилишда қишлоқ Советларининг ролини оширсак ва бу ишга кенг жамоатчиликни жалб қилсак, биз ҳар хил тартибсизликка барҳам берамиз, колхоз тузуми ва ҳуқуқ тартибида демократик асосларнинг янада мустаҳкамланишига эришамиз.

Е. СМИРНОВ.

Тошкент область прокурори, 3-класс давлат юстиция маслаҳатчиси.

ЖОНКУЯР

Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг ишчиси Йўлдошев қурилиш бўлимидаги қинғир ишларга анча вақт гижиниб юрди. Қурилиш бўлимининг бошлиғи Канабоевга бир неча бор танбеҳ ҳам берди. Натижа чиқмади. Канабоев ўз қўл остида прораб бўлиб ишлаётган Ўрозбоев ва бўлим бухгалтери Таубоевлар билан тил бириктириб, давлат мулкига хиёнат қилишни давом эттираверди. Қалбаки ҳужжатлар тузилди. Қилинмаган ишларга нарядлар ёзилди. Ишчиларга ҳақ тўлашда чалкашликларга йўл қўйилди. Бу аҳволдан виждони азобланган Йўлдошев область партия-давлат контроли комитетига шикоят ёзишга қарор қилди.

Совхознинг қурилиш бўлими ўртоқ Йўлдошевнинг ариза-сига биноан чуқур текширилганда яна бир қанча ножўя ишлар борлиги аниқланди. Ишчиларга тариф разряди бўйича эмас, балки яхши ишлаганга ҳам ёмон ишлаганларга ҳам тенг-тенг ҳақ тўланар экан. Бўлимда ишлаётган кишиларнинг малакасига қараб разряд ҳам белгиланмайди. Энг яхши устага ҳам, қурилишга эндигина келган ишчига ҳам бешинчи разряд ҳисобидан маош тўлана берган.

Шу йилнинг январь-март ойлари мобайнида қилинмаган ишларга 4 минг 859 сўм 68 тийин пул тўланганлиги маълум бўлди. Турли қалбаки нарядларга йил бошидан бери 882 сўм 68 тийин тўланган. Бундан ташқари келтирилган ғишт ва қурилиш материалларидан кам чиққанлиги аниқланди.

Совхознинг қурилиш бўлимидаги бундай ярамас ишларга совхоз директори ўртоқ Енгелдиев келишувчилик қилган.

Область партия-давлат контроли комитети ўртоқ Енгелдиевнинг совхоз қурилиш бўлимининг фаолиятига яхши контроллик қилмаганлигини кўрсатиб ўтди. Тез кунда тартиб ўрнатиш тавсия қилинди.

Совхознинг қурилиш бўлими бошлиғи Канабоев, бухгалтер Таубоев, прораб Ўрозбоевларга ойлик маошлари миқдорида жарима солинди.

ТАКРОРИЙ ҚУРТ БОҚИШ

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Шу кеча-кундузда областимиз колхоз ва совхозларида такрорий ипак қурти боқиш давом эттирилмоқда. Пиллачиларимизнинг олдида бу мавсумни намунали ўтказиш вазифаси турибди. Хўш, қандай қилинса такрорий ипак қурти боқиш намунали ўтади?

Аввало шуни айтиш керакки, ёз даврида қурт боқиш бахорги қурт боқишдан кескин фарқ қилади. Бу даврда иссиқлик ҳарорати юқори, ҳавонинг намлилик даражаси паст, тут баргларидаги озуқа моддалари кам бўлади. Ана шундай мураккаб шароитда мўл ва сифатли пилла ҳосили етиштириш учун қурт боқишни юксак агротехника даражасида ўтказишга эришмоқ зарур.

Қурт боқиладиган хоналарни танлашга алохида эътибор бериш лозим. Ипак қуртларига иссиқ таъсир қилмаслиги учун деворлари қалин бўлган типовой бинолар танланса, айниксса улар соя-салқин жойларда бўлса яхши бўлади. Бино ва инвентарлар албатта дезинфекция қилиниши керак.

Нормал ҳароратни сақлаш мақсадида қуртхоналарни кечаси шамоллатиб совутиш керак. Кундузи эса эшиклар бекитилиши, фақат қуёш тушмайдиган томондаги дарчалар очиб қўйилиши лозим. Агар қуртхонанинг ичидаги ҳавонинг намлиги паст бўлса, сўкчаклар оралиғига хўл латталар ёйиб қўйиш, полни тоза сув билан ювиб туриш тавсия этилади. Баъзан ҳарорат етишмай колиши мумкин. Шундай пайтларда қуртхонанинг эшикларини кундузи очиб кўйиб, кечқурун ёпиш лозим. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳарорат юкори бўлса, ипак қуртлари тез ўсади.

Тез ўсувчи организм кўпроқ озуқа талаб этади. Шунинг учун агротехника кўрсатмасига биноан бир-икки ёшдаги ипак қуртларига баҳорда барглари кирқиб олинган тут дарахтларининг янгидан ўсиб чиққан мурғак барглариии едириш керак. Дастлабки кунларда шу мурғак барглари ҳам майда-лаб-майдалаб, вақти-вақти билан 9—10 марта едириш зарур. Кейинги кунларда эса бутун барглар солинса ҳам бўлади. Учинчи ёшидан бошлаб ипак қуртларига баргни майда шохлар билан қўшиб солса ҳам бўлаверади.

Маълумки, барглар сўлиб ёки қуриброқ қолса кўпроқ чиқитга чиқади. Қоидага биноан кичик ёшдаги ипак қуртларига бир кеча-кундузда 9—10 марта ва уидан кўпроқ барг солиш тавсия этилади. Лекин бу кўп меҳнат талаб этади. Ана шу меҳнатни қисқартириш учун илғор пиллачилар қўллаётган тажрибага амал қилмоқ керак. Улар барглар-нинг устига нарса ёпиб қўядилар ва анча вақтгача сўлитмай, янгилигича сақлайдилар. Натижада бир кеча-кундузда 9-10 марта ўрнига 5—6 марта барг солиш имконияти туғилади. Бу усул баргни тежаб-тергаб сарфлаш, меҳнатни камайтириш билан бир қаторда қурт боқиш ишларига ноомал шарт-шароитлар яратиб бериш имкониятини туғдиради.

Ипак қуртлари тўртинчи даҳага кирганида уларга баргни шохи билан солиш керак. Фан ютуқлари ва илғорларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, ёз даврида ипак қуртларига намланган барг берилса жуда яхши бўлар экан. Баргни намлаб бераётганда қуртхонанинг ҳарорати ва намлигини ҳисобга олиш керак. Агар ҳарорат ва намлилик нормал бўлса бешинчи даҳадан бошлаб қуртларга баргни намлаб бериш зарур. Ёз даврида ҳавонинг намлилик даражасини кўнгилдагидай сақлаб туриш кўпинча мумкин бўлмайди. Шундай шароитда ипак қуртларига учинчи-тўртинчи ёшларидан бошлаб тоза сувга чайилган барг бериш лозим. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, барг намлаб берилганида қуртхоналарни шамоллатишни кучайтириш керак. Пилла ўраш бошланишидан олдин ҳар қандай шароит бўлган тақдирда ҳам баргни намлаб беришни тўхтатиш ва оддий баргнинг ўзини бера бошлаш зарур.

Маълумки, рекорд ҳосил олишда ҳам, пилланинг сифатини яхшилашда ҳам катта даҳадаги қуртлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тўртинчи-бешинчи даҳадаги ипак қуртлари 13—15 кун ичида бутун мавсум давомида сарфланадиган баргнинг қариб 85 процентини ейди. Ана шу даврда қуртларни барг билан ўз вақтида таъминлаш учун барг қирқадиган махсус звено ташкил этиш, унга етарли миқдорда транспорт воситалари ажратиш лозим. Баргнинг сифатини тўла сақлаб қолиш учун тут куннинг салқин пайтларида кесилса яхши бўлади.

Қуртлар бешинчи ёшида ипакнинг асосий қисмини ўзида тўплайди. Шу ёшда унга барг бериш ўз муддатидан сал эртароқ тўхтатилса ҳам пилланинг сифати кескин пасайиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳамма қуртлар дастага киргунига қадар барг солиб туриш, қуртхоналарни шамоллатиш, ҳаратни 24—25 даражада ва намлиликни 65—75 процентда сақлаб туриш зарур.

Ипак қуртлари қанча яйратиб боқилса, пилланинг сифати шунча яхши бўлади. Ҳар қути ипак қурти тўртинчи ёшида 25—30 квадрат-метр, бешинчи ёшда 50—60 квадрат метр жойда боқилса жуда соз бўлади. Ипак қуртлари учун тайёрланадиган дасталарнинг сифатида ҳам гап кўп. Дасталарни жуда зич қўйиш ҳам ярамайди. Олдин дасталар сўкчакнинг чеккасига уч томондан теріб қўйилиши керак. Сўкчакнинг бир томони очиқ бўлса ҳали ёш бўлган қуртларга барг солиш қулай бўлади. Вақт ўтиши билан ўша қуртлар ҳам етилади. Шунда дасталарни ҳам секин-секин кўпайтириб бориш керак. Уларни сўкчакларнинг эни бўйлаб катор-катор қилиб теріб қўйиш лозим.

Илғор пиллачиларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, агар такрорий қурт боқиш юксак агротехника қоидалари асосида ўтказилса, пилладан худди баҳордагидек мўл ҳосил олиш мумкин.

Н. БОГАУТДИНОВ.

Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтининг старший илмий ходими.

ЎРТА Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхозда ёшларга техниканы ўргатишга алоҳида эътибор берилаяпти. Буни мана шу суратдан ҳам кўриб турибсиз. Колхознинг илғор звено бошлиғи, моҳир механизатор ўртоқ Саидаҳмад Усмонов тушки дам олиш пайтида ва бўш вақтларида звено аъзоларидан М. Минавварова ва М. Исроиловаларни универсал машинаси билан таништириб, ҳунар ўргатаяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

* * *

ЯНГИЙЎЛДАГИ «Халқобод» комбинатида бўлганмисиз? Эҳе, поёни йўқ мевазор боғлар бағридан сира кетгингиз келмайди. Ўрик дейсизми, шафтоли дейсизми, нашвати ё олма дейсизми ҳаммаси шу боғларда мухайё. Комбинатнинг ўртоқ Ҳ. Мадаев бошлиқ боғдорчилик бригадаси ишчилари бу йил 7500 тонна эрта пишар «Белий налив» олмани давлатга топшириши керак эди. Ҳозиргача 8000 тонна олма етказиб бердилар. План ортиғи билан бажарилди. Суратда эртапишар олма топширилаётган пайт тасвирланган.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ФОТОЛАВҲАЛАР



ЎРИМ ТЕЗЛАШДИ

1-«Оҳангарон» совхозининг бўлимларида ғалла ўрим-йиғими жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Механизаторлар мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нес-нобуд қилмай тезроқ йиғиштириб олиш учун ҳаракат қилишяпти.

1-бўлим механизаторлари ишни социалистик мусобақа асосида ташкил қилишиб, 11 иш кунида минг гектардан ортиқ ердаги ғаллани ўриб олишди.

— Донниг ҳар бир граммини, — дейди моҳир механизатор Аҳмад Раҳимов, — нобуд қилмай тезда йиғиштириб оляпмиз. Ўримни қанчалик тезлаштирсак, ҳосил нобуд бўлмайди. Мен ҳам ўз зиммамга юклатган вазифани сидқидил бажаришга ҳаракат қиляпман. Кейинги ўн кун ичида 110 ўрнига 170 гектар ердаги ғаллани ўриб-янчдим. Вақт ғанимат, бундан кейин суръатни яна ҳам жадаллаштираман.

Совхознинг бошқа комбайнчилари ҳам зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Ғани Деҳқонов, Дархон Эргашев каби комбайнчилар шулар жумласидандир.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти ўрим-йиғимда фаол қатнашаётган ишчиларни рағбатлантириб турибди. Шу сабабли ҳам ишда унум яхши. Дастлабки кунда совхоз ишчилари ўн минг пуд ғаллани давлат омборларига жўнатдилар.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

ИЛҒОРЛАР ДАЛАСИДА

Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизаторлари мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашмоқдалар. Совхознинг комплекс механизациялашган звеноларида, айниқса, иш яхши кетяпти. Қатор ораларига ишлов бериш намунали йўлга қўйилган. Буни ўртоқ Анвар Алиев бошлиқ илғор звено мисолида ҳам кўриш мумкин. Звено бошлиғи ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлов беришда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Моҳир механизатор ғўзани чуқур культивациядан чиқараётганлиги сабабли ғўзалар бегубор ўсяпти. Ҳозир ҳар бир туп ғўзада 2-3 тадан гул ва 6-7 тадан шона бор. Звено аъзолари ғўза парваришини бундан кейин ҳам бўшаштирмасдан 41 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариш учун курашяптилар.

Шу совхозга қўшни бўлган Димитров номли, «Победа» колхозларининг механизатор-звено бошлиқлари ҳам меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар ғўзани озиқлантиришда ҳам кундалик нормаларини ошириб бажаришяпти.

С. БЕКТОЕВ,
У. САРИБОЕВ,
А. ТУРАЕВ,
С. СТАНОВ.

Она-Ватан бўйлаб

АМУР ТАЙГАСИДА

БЛАГОВЕЩЧЕНСК. Узоқ шарқда бу йил бугиларнинг қотмаган шохини кесиб олиш доираси анча кенгайтирилди. Мана шундай шох тарибида қимматли шафобахш модда бор. Қадимдан шох етказиб бераётган приморье ва хабаровск ўлкасидан ташқари, амур областидаги тайга массивларида ҳам буги шохи тайёрлана бошланди. Сўнгги йилларда бу жойда бугилар туёғи қарийб икки баравар кўпайтирилди.

Желтулак ва Шиманов госпромхозларининг қабул пунктларида буги шохлари олина бошлади.

«ЭЛЕКТРОН МИЯ»

ЛЕНИНГРАД. Балтика ҳавзасида ташиладиган юкларни планлаштириш ва шу ҳавзадаги совет денгиз транспортини бошқариш ҳисоблаш марказига топширилади. Денгиз Флоти марказий илмий тадқиқот институтининг мутахассислари ана шундай системани ишлаб чиқдилар.

Автоматлаштирилган диспетчер кемаларнинг капитанларидан, совет портларидан, чет эллардаги денгиз агентликларидан, темир йўл ва дарё транспорти шўбалаларидан ахборотлар олиб туради. «Электрон мия» нетма-нет келаётган ана шу маълумотларни қайта ишлаш вақтида қанча бўш ва банд бричаллар борлигини, кемаларнинг турган жойини ҳисобга олади, ҳамда қайси бир кемани қаёққа йўллаш ҳақида тавсиялар беради.

Программачилар электрон роботка қатнов графиги тузишни ўргатиб қўймоқчилар. Автомат диспетчер ҳамма кемаларни улар яқинлашмасдан беш-етти кун олдин «кўриб» туради. Машина бутун пароходчилик доирасида ташиладиган юкларни бир йил атрофида планлаштиришни, линиялар учун флот танлашни ўз зиммасига олади. У кема ремонт қилувчи заводларнинг планини ҳам белгилаб беради.

Ҳисоблаш маркази бу йил ишга туширилади.

БИР СИГИРДАН 13 БУЗОҚ

РОСТОВ-ДОН. Вишенский районидаги «Грачевский» совхозида ишлаётган шофёр А. Дударев оиласи «Рабка» сигиридан беш йил ичида ўн учта бузоқ олди. Сигир биринчи йили битта, кейинги икки йилда иккитадан, ўтган йили ва бу йил тўрттадан бузоқ туғди. Ҳамма бузоқлар соғлом ва яхши ўсмоқда.

Сигирларнинг кўп бузоқ туғиши кам учрайдиган ҳодиса эмас. Бир туғишда тўрттадан бузоқ олинганлиги маълум. Лекин икки йил қаторасига тўрттадан бузоқ туғилиши жуда кам учрайдиган ҳолдир.

ҚОРАҚУМДА БАЛИҚ ОВИ

МАРИ. Қорақумда балиқ овланиши кўпчиликни қайроқ қолдирса керак. Лекин бу ерда ҳақиқатан балиқ пайдо бўлди. Иўлўтан балиқ саноат хўжалигининг 10 дан ортиқ бригадаси Ҳовузхон сув омборида балиқ овламоқда. Ҳовузхон сув омбори қумлар орасида жойлашган бўлиб, Мурғоб ва Тажанг дарёларидан сув олади. Бу йил балиқчилар савдо ташкилотларига қарийб 550 центнер усач, оққайроқ, сазан, лаққа балиқлар топширдилар. Юзлаб ҳаваскор балиқчилар балиқ овлаш учун шанба ва якшанба кунлари Қорақум канали ва Ҳовузхон денгизига келадилар.

Тажанг воҳасида, Қорақум канали соҳилида, ирик балиқчилик хўжалиги барпо қилинмоқда. (ТАСС).

КОММУНИЗМ ВА ГУМАНИЗМ

Гуманизм! Инсонийлик!

Ҳозирги замон буржуазияси сиёсий ва ижтимоий арбоблари лексиконида такаллуфсизлик билан ҳадеб такрорлананаверадиган бундан бошқа иборани топиш қийин. Марксизм-ленинизмнинг буюк жозиба кучини сусайтиришга интилиб, буржуазия идеологлари социалистик тузумнинг гуманистик табиатини ҳар қанақасига бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. Улар капиталистик мамлакатлардаги кенг халқ оммасига социализмнинг ғалаба қилиши гўё шахснинг давлат томонидан бутунлай ютиб юборилишини билдиради, у кишиларни «теп-текис» қилиб юборади, индивидуалликни йўқ қилади, социализм ва коммунизм гўё гуманистларнинг тарихий меросига умуман қарши чиқади деган фикрни сингдирмоқчи бўладилар.

Аммо бу фикрларнинг воқелик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Маълумки, инсониятнинг бутун тарихи давомида гуманизм ҳар доим илғор синфлар билан, ўз даврининг прогрессив ижтимоий ҳаракати билан боғлиқ бўлиб келган. Коммунистик идеология ва унинг мужассами бўлган социалистик тузумда ўтмишнинг буюк гуманистик ғоялари давом эттирилди ва янада ривожлантирилди.

Коммунистик ва ишчи партиялар пролетар гуманизми ғояларини ривожлантириш билан бирга, гуманизм бу соф буржуа таълимоти деган ғайримарга асосланиб, гуманизмни механик равишда коммунизмга қарама-қарши кўяётганларга ҳам қарши чиқмоқдалар. Гуманизмни буржуа идеологлари тарғиб қилган эдилар, деган фактдан бу гуманизмда ишчилар синфи учун, халқ оммаси учун ҳеч қандай қимматли нарса йўқ деган хулосани чиқариш мутлақо мумкин эмас. Ўтмиш гуманизмида меҳнаткашларнинг ер юзида энг яхши ва адолатли ҳаёт тўғрисидаги идеаллари маълум даражада ўз ифодасини топган.

Меҳнат кишиларининг идеалларига нигилистик муносабатда бўлиш марксизм-ленинизмга ётдир, у юз йиллар давомида тўпланган бу идеалларни улоқтириб ташламайди, балки уларни амалий воқеликка айлантириш масаласини ўртага қўяди. Марксизм-ленинизм меҳнаткашларни коммунизм тўғрисидаги таълимот билан қуроллантириб, уларга озодлик ва бахтга эришишнинг тўғри йўлини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам социализм ва коммунизмнинг ғалабаси айни вақтда гуманизмнинг буюк ғоялари амалга ошганлигини билдиради.

Маълумки, К. Маркс коммунизмни реал гуманизм деб атаган эди. Унинг сўзлари билан айтганда, коммунизм гуманизм демакдир, у амалий, ижобий гуманизмдир.

Илмий коммунизм асосчиларининг буюк тарихий хизмати шундаки, улар ишчилар синфига қудратли ғоявий қурол бердилар, инсониятнинг юксак гуманистик ғоялари тантана қиладиган янги жамият тўғрисидаги илмий назарияни яратдилар. Агар кишининг характери шарт-шароитлар билан яратиладиган бўлса, деб ёздилар К. Маркс ва Ф. Энгельс, у ҳолда демак шарт-шароитларни инсонийлаштириш керак.

Коммунистик жамиятнинг капиталистик жамият олдидаги афзаллиги шундаки, коммунизмда шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилади. Синфлар ва синфий қарама-қаршиликлари бўлган эски буржуа жамияти ўрнига, дейилади «Коммунистик партия манифести»да, ҳар бир кишининг эркин ривожланиши ҳамманинг эркин ривожланиши учун шарт-шароит вужудга келтирадиган ассоциация келади. Коммунистик жамиятнинг асосий мақсади, деб уқтирган эди К. Маркс, инсонни ҳартарафлама ривожлантиришдир.

Ўтмишнинг озодлик, инсон лаёкати, ижтимоий муносабатларнинг инсонийлиги тўғрисидаги гуманистик ғояларини қабул қилган ва ривожлантирган марксизм-ленинизм гуманизмни пролетариатнинг синфий кураши билан, социалистик революция ва ишчилар синфи диктатураси ғалабаси билан боғлади. Асосий маъноси социализм ва коммунизм қуриш, озодлик ва бахтни барқарор қилиш, меҳнаткаш инсоннинг ҳартомонлама, гармоник ривожланишини таъминлашдан иборат бўлган пролетар гуманизмн пайдо бўлди.

Шу билан бирга К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин буржуазия гуманизмининг чегаралганлигини ва капиталистик тузум шароитида унинг принципларини амалга ошириб бўлмаслигини кўрсатдилар. Улар инсонни мустақил қимматидан маҳрум этиб, уни олди-сотди объектига, маълум қимматга эга бўлган нарсага айлантириб қўйган капитализмнинг инсониятга қарши бўлган моҳиятини чуқур очиб бердилар. Тошбағирлик билан бойлик кетидан қувиш ҳиссиёти ҳукмрон бўлган жамиятда кишилар ўртасида ҳақиқий гуманистик муносабатлар ва инсоннинг яшаши учун лозим бўлган шарт-шароитларнинг бўлиши мумкин эмас.

В. И. Ленин капитализмнинг антигуманистик моҳияти империализм даврида айниқса яққол намоён бўлади деб бир неча бор таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам монополиялар ҳукмрон бўлиб олгач, капиталистик дунёнинг антигуманистик моҳияти инсоният кўз олдида ҳеч қандай пардоз-андозсиз намоён бўлди-қўйди. Бу мудхиш социал қарама-каршиликлар, энг ўткир синфий зиддиятлар дунёсидир, кишилар ўртасидаги муносабатларда «чангалзор»ларнинг шафқатсиз қонунлари ҳукмрон бўлган дунёдир. Аслини олганда, капитал мамлакатларида гуманизм байроғи ҳаёт кемаси бортидан улоқтириб ташланди. Империализм меҳнат кишиларини амалда энг элементар озодликлардан ҳам маҳрум этди, у ҳамма меҳнаткашларнинг иш билан таъминлашга, жамиятнинг кўпгина аъзоларига яшаш учун энг кам маблағларни беришга ҳам қодир эмас. Айни вақтда қайси бир буржуа давлатини олманг бир ҳовуч бойлар мисли кўрилмаган фойда олмоқдалар, фароғатли ҳаёт кечирмоқдалар, меҳнаткашларни шафқатсиз эксплуатация қилмоқдалар. Масалан, қарийб 3.5 миллион киши иш қидириб сарсон-саргардонликда юрган АҚШда меҳнат кишиларига нисбатан қанақанги гуманизм ҳақида гапириш мумкин.

Бошқа халқларга нисбатан ҳам империалистлар антигуманистик сиёсатни — босиб олиш ва қул қилиш, талаш ва қашшоқлиққа маҳкум этиш сиёсатини ўтказмоқдалар. Ўтаётган ҳар кун ҳозирги замон империализмининг йиртқич башарасини кўрсатувчи янгиянги фактларни намоён қилмоқда. Америка агрессорлари Жанубий Вьетнам ватанпарваларига қарши кирғин уруши олиб бормоқдалар. Улар Вьетнам Демократик Республикасининг тинч шаҳар ва қишлоқларини вахшийларча бомбардимон қилаётирлар. Бу ҳам етмагандек, Пентагон Жанубий Вьетнамда кимёвий ва бактериология қуролини қўллай-бошлади. Америка ва Бельгия қўшинларининг «гуманистик операция» деб аталмиш найранги Конгонинг жафокаш халқи бошига не-не мусибатларни солмади. Мамлакатдаги кўп аҳолининг ёстиғи қуриди. АҚШ империалистлари гуманизм байроғи остига яширинib, ҳеч қандай айби бўлмаган, озодлик ва мустақилликни ҳимоя қилаётган доминиканаликларни ўлдирмоқдалар. Латин Америкаси мамлакатларида диктаторлик режимини ўрнатмоқдалар.

Ўтган йилнинг охирида «Нью-Йорк Таймс» газетаси босиб чиқарган бир мақоласида «гуманизм» тушунчасини бузиб талқин этиш билан бирга, эркин фикри бўлган кишилар устидан террор ва зўравонлик қилишни мақтади. Ана шундай «гуманизм»га амал қилаётган Америка реакционерлари халқ манфаатларининг содиқ ҳимоячилари бўлган коммунистларга қарши кўргин қилиш кампаниясин авж олдириб юбордилар, уларни жисмоний йўқ қилиб юборишни талаб қилмоқдалар. Қорагуруҳчи Нью-Йорк газетаси «Дейли Ньюс» қонхўрларча шундай деб ёзди: «Бирдан-бир яхши коммунист — бу ўлик коммунистдир».

АҚШда ёмғирдан сўнг пайдо бўладиган қўзиқоринлар сингари «қутирганлар» зотидан бўлган ҳар хил ультрареакцион ташкилотлар пайдо бўлмоқда. «Жон Бёрч жамияти», «минитментлар жамияти», «озодлик учун ёш республикачилар жамияти» ва бошқалар шулар жумласидандир. Қўшма Штатларда ҳали ҳам «америка нацистлар партияси» деб аталмиш партия бор. Унга гауляйтер Жорж Линкольн Рокуэлл бошчилик қилади. У ўзини Гитлернинг ҳақиқий меросхўри деб ҳисоблайди ва АҚШ да «мистер Нафрат» деб қритилади.

Фактлар ана шулардан иборат. Уларнинг фош қилувчи кучи ўз-ўзидан кўринib турибди. Империализмнинг ириб-чириётганлиги ва ўлимга маҳкумлиги унинг ҳам руҳий, ҳам маънавий таназзулга юз тутаётганлигида намоён бўлмоқда. «Гуманизм» сўзини эшитишнинг ўзиёқ ҳозирги замон буржуа реакционерларининг кўпчилигини ниҳоятда асабийлаштириб қўймоқда.

Бироқ бизнинг ҳозирги давримизда абстракт гуманизм ғояларидан капиталистик тузумни ҳимоя қилиш мақсадларида фойдаланадиган буржуазия идеологлари ҳам топилади. Ана шу ғоялар байроғи остида ушбу социалистик революция ва пролетариат диктатурасига, капиталистларнинг хусусий мулкини национализация қилишга қарши чиқмоқдалар, Ўнг социалистларнинг идеологлари «демократик социализм» деган нарсани тарғиб қилмоқдалар. Улар бу билан революцион ўзгаришларнинг зарурлигини рад этадилар, бундай ўзгаришлар уларнинг гапича гўё «шахс устидан зўровонлик» эмиш.

Пролетар гуманизми абстракт буржуа гуманизмига қарама-қарши равишда ўзининг пайдо бўлган кунидан бошлабоқ революцион гуманизм эканлигини кўрсатди. Коммунизм ғалабаси учун, барча меҳнаткашларнинг бахти учун кураш чуқур гуманистик характерга эгадир. Пролетар гуманизми янги жамият қуришга қаланг берадиган ҳамма нарсани улоқтириб ташлайди. У кишининг кишн томонидан эксплуатация қилинишига, капиталнинг меҳнат кишилари устидан ҳукмронлиги ва зўровонлигига қарши курашади. Пролетар гуманизми меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларини рад этиб, ҳақиқий бахт моддий фаровонликда эмас, балки факат «ғоявий такомиллашув» да деювчиларни фош этади.

Марксизм-ленинизм халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳар доим бир бутун, боғлиқ ҳолда олиб қарайди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси барча совет халқларининг моддий ва маданий турмуши даражасини ошириш юзасидан катта ишларни қилмоқда. Партиямизнинг КПСС Марказий Комитети октябрь, ноябрь (1964 йил) ва март (1965 йил) Пленумларида ёрқин ифодаланган бош йўли коммунизм моддий-техника базасини яратишга, совет кишилари маданий даражасини оширишга, уларни коммунистик руҳда тарбиялашга қаратилгандир. Бизнинг мамлакатимизда инсонпарварлик деган маънони билдирувчи лотинча «гуманизм» ибораси халқ учун тушунарли ва яқин бўлиб қолган.

КПСС Программасида **«Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахти саодати учун»** деб ёзиб қўйилган. Ленин партиясининг бутун кўпқиррали фаолияти халқ учун юксак моддий ва маданий ҳаёт даражаси яратиб беришга, ҳар бир совет кишиси учун бахтли ва озод турмушни таъминлаш мақсадига қаратилгандир.

Социалистик тузум гуманизмининг моҳияти фақат меҳнаткашлар ҳаётининг юксак моддий ва маданий даражаси билангина белгиланмайди. Социализмда кишилар ўртасида ўз характери эътибори билан янгича сифатга эга бўлган муносабатлар, янгича ахлоқий принциплар қарор топди. Пролетар гуманизми ғоялари коммунизм қурувчиларининг ахлоқ кодексида ҳам ўз ифодасини топди. Бу кодекс кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари ва ўзаро ҳурматни — кишикишига дўст, ўртоқ ва биродар бўлишини талаб этади.

Коммунистик партия социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, партия ва давлат ҳаётида ленинча нормалар ва принципларни тиклаш юзасидан катта ишларни амалга оширди. Совет социалистик демократияси такомиллашмоқда ва ривожланмоқда. СССР-да барча меҳнаткашларнинг давлат ишларини идора қилишда кенг миқёсда қатнашишлари таъминланган. Бу — барча совет гражданларининг руҳий жиҳатдан ҳартомонлама ўсишлари ва ривожланишлари учун катта имкониятлар яратиб беради.

Шунингдек, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати ҳам чуқур гуманистик характерга эгадир. Тинчликни ва социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашини кўзловчи, барча халқлар билан дўстликка интилувчи бу сиёсатда марксча-ленинча дунёқараш гуманизми, социализм ва коммунизм гуманизми ёрқин намоён бўлмоқда. Бизнинг мамлакатимизда урушни ва бошқа халқларга нафрат билан қарашни пропаганда этиш қонун билан ман этилган. Унга жавобгарликка тортишга лойиқ бўлган жиноят сифатида қаралади. Ер шаридаги барча меҳнаткашлар социализм дунёда мавжуд бўлиб келган ҳар қандай тузумдан ҳам энг гуманистик тузум эканлигига борган сари чуқур ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Совет халқи коммунистик гуманизм байроғини баланд кўтариб бормоқда. КПСС Программаси бутун дунёга янги ижтимоий тузумнинг буюк гуманистик ғояларини баралла айтди: «Коммунизм барча кишиларни социал тенгсизликдан, зулм ва эксплуатациянинг барча формаларидан, уруш даҳшатларидан халос қилишдек тарихий вазифани бажаради ва ер юзида барча халқлар учун **Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат** барқарор қилади».

А. ДЕМИДЕНКО,
фалсафа фанлари кандидати.

„ГУЛШАН“ БУЛБУЛИ

Гўзалликка ташна қалблар жуда кўп жаҳонда. Кишини мафтун этувчи табиат манзаралари ҳам, мусаффо осмон, чексиз кенгликлар, покиза баҳор нафаси ҳам юрагингга завқ бағишлайди, яшашга ундайди кишини. Буларнинг ҳаммасини бир йўла тасаввур этиш қийин. Лекин Лайлонинг қўшиқларини тинглаганингда ана шу гўзалликлар бутун жозибаси, латофати билан бирданига жонланиб бепоён осмонда қанот қоқиб кетаётгандай бўлади. Шу юксак чўққидан туриб муҳаббат оташини ҳам, ҳижрон жафосини ҳам, кўнгил торларини чамбарчас боғлаб ташлаган Ватан меҳрини ҳам бир йўла ҳис этасан киши. Қалбингда самимий ҳислар жўш уриб кетади-ю, роҳатбахш бир оташда ёниб кетасан.

Лайло Шарипова қўшиқларининг мухлислари кўп эканлиги бежиз эмас. У бутун вужуди билан, қалбининг тубтубидан куйлайди. Юрак сўзлари юракка жуда тез йўл топади. Шунинг учун бўлса керак, Лайло қайси тилда қўшиқ айтмасин, дарҳол тингловчининг қалбига йўл топа олади. Унинг ҳислатини кишилар дарҳол тушунади.

Ўзбек, тожик, рус, эрон, араб, озарбайжон, турк тилларида ижро этилган қўшиқлардан ҳамма бирдай ҳаяжонланади, ҳамма бирдай тушунади уларни. Негаки уларда Ватан меҳри, пок инсоний муҳаббат туйғулари жўш уриб туради.

«Гулшан» булбулининг репертуари жуда бой. Ансамбль ёш бўлса-да, унинг санъаткорлари моҳирдирлар. Ҳар бир чолғучи бир неча асбобда куй чала олади. Музика ансамблининг раҳбари — Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист, композитор Михаил Саломонович Муравин ҳам, «Гулшан»нинг бадиий раҳбари Тожикистон халқ артистраси Лайло Шариповaнинг ўзи ҳам ёш коллективнинг тез шуҳрат қозониши учун катта ҳисса қўшганлар. Истеъдодли ёш хонанда ва раққосалар Тошкентда ўтказаётган гастролларида минглаб томошабинларнинг олқишига сазовор бўлдилар.

«Гулшан» булбули — Лайло Шарипованинг истеъдоди жуда ажойиб. У ўзи ижро этаётган кўпгина қўшиқларнинг автори ҳамдир. Бу эса шоирона қалбнинг бутун эҳтиросини баён этишга ёрдам беради.

Яқинда Лайло Шарипова раҳбарлигидаги «Гулшан» ансамбли журналистлар меҳмони бўлди. «Гулшан» бўлбули ансамблининг ижодий йўли ҳақида, келажак режалари тўғрисида гапириб берди. «Гулшан» Тошкентда гастролни тугатгач, қардош Туркманистон ва Украинага йўл олади. Иттифоқимизнинг ҳамма бурчакларида ҳам бу ансамблнинг муҳлислари кўп. «Гулшан» янгидан-янги ижодий камолатларга эришаберади. Репертуари янгидан-янги қўшиқ ва рақслар билан бойийверади.

Суратда: Лайло Шарипова куйлямоқда.

А. Абалян фотоси.

СПОРТ

ЛИВАН — ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон спорт жамоатчилиги Тошкентга Ливан волейболчиларининг келишини катта қизиқиш билан кутган эди. 5 ва 6 июль кунлари Армия спорт клуби спорт базасида меҳмонлар Ўзбекистон командалари билан иккита халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Мусобақа бошланиш олдидан бўлган парадда спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи республика совети раисининг ўринбосари Ф. Ш. Шокиров меҳмонларни қизғин табриклади. Ливан волейбол федерациясининг президенти Лахуд Сами жавоб сўзини айтди.

Ливан волейболчилари халқаро учрашувлар тажрибасига эга эди. Улар 1962 йилда Москвада ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақасида қатнашганлар. Бундан ташқари команда шу йилнинг ўзида бешта халқаро учрашувда қатнашди. Улар 3:0 ҳисоби билан Сингал, Сурия, Гана командалари устидан ғалаба қозониб, 3:1 ҳисобида Тунис ва Миср спортчиларини мағлубиятга учратдилар. Мусобақанинг биринчи кунида Тошкент «Динамо» командаси меҳмонлар билан рақобатлашди. Ўйин Ўзбекистон волейболчиларининг устунлиги билан ўтди. Улар 3:0 (15:4, 15:5, 15:12) ҳисобида ғалаба қозондилар. Ливанлик волейболчилар иккинчи куни Ўзбекистон касаба союзлари кўнгилли спорт жамиятларининг ўйинчиларидан ташкил топган команда билан учрашдилар. Бу команда ВЦСПС спартакиадасига тайёргарлик кўраётган эди. I ва III партияларда спортчиларимиз 15:11 ва 15:10 ҳисобида ғалаба қозондилар. Бироқ II, IV партияларда 15:12 ва 15:11 ҳисобида меҳмонлар устун келишди. Бешинчи — ҳал қилувчи партия кескин кураш билан ўтди. Пировардида Ливан спортчилари 3:2 ҳисоби билан ғалаба қилдилар. Учрашувлар самимий дўстлик вазиятида ўтди.

Меҳмонлар 7 июль куни Бокуга жўнаб кетдилар.

П. КОНОВАЛОВ.

ТОТЛИ ТАОМЛАР

Пойтахтимизнинг «Победа» маданият ва истироҳат боғида ажойиб бир виставка ташкил этилди. Унда дастурхонларимиз зийнати бўлган тотли таомларнинг ширинлик кўриги бўлиб ўтди. Парк йўлкаларига қўйилган столлар усти «Тошкент», «Баҳор», «Шарқ», «Октябрь» ресторанлари, «Москва» ва «Дружба» кафелари пазандалари қўли билан тайёрланган миллий озиқ-овқатлар билан безанди.

Сайр қилувчилар С. Плахов («Тошкент») ва А. Усмонов («Баҳор») ўртоқлар тайёрлаган салатни зўр қизиқиш билан томоша қилишди. Салатлар кўрикда биринчи ўринни олди ва авторлари қимматбаҳо буюмлар билан микофотланди. Нарироқда «Тошкент» ресторанининг пазандалари Нуриддин Султонов ва Расулжон Аҳмедов ўртоқлар дамлаган паловни кишилар тотиб кўришяпти. Одил Рамазонов тайёрлаган шашликни айтмайсизми. Қиқизил бўлиб пишиб турибди. Бу пазандаларнинг барчаси уста ошпаз Орифжон Турсунов («Тошкент»)нинг шогирдларидир. Улар ўз устозлари изидан боришяпти.

Шу куни 200 дан ортиқ пазанда ўз санъатини намойиш қилди. «Тошкент» ресторани коллективи таомлар виставкасида биринчи ўринни эгаллади. Бундан буён ҳам шундай виставкалар ўтказиб туриш, уй бекаларига тотли таомлар тайёрлаш ҳақида маслаҳатлар бериш традиция бўлиб қолса яхши бўларди.

Суратда: шаҳримиздаги ошхона ва ресторанларнинг бир группа уста ошпазлари тотли таомлар сифатини текшириб кўрмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ҚЎРИҚ ЕРГА

«Ҳурматли комсомол комитети аъзолари! Менинг Қорақалпоғистон Автоном республикасига бориб ишлашимга рўҳсат беришларингни сўрайман. Ўз бўлсада жонажон Ватаним учун фойда келтирсам дейман. Ахир, қўриқ ерларга бориб ишлаш шарафда. Бу олижаноб ҳаракатдан мен ҳам четда қолмасам...

III курс студенти Ж. Пердешев».

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти комсомол комитети номига ана шундай аризалар кўплаб тушмоқда. Ҳозирнинг ўзида 200 га яқин комсомол-ёшлар автоном республикага бориб ишлаш истагини билдирдилар.

Ҳа, шундай аризалар жуда кўп. Институтнинг қалби олов комсомол-ёшларидан А. Умматов, И. Ҳасанов, О. Эминжонов, У. Шербековлар ва бошқа қанчадан-қанча ёшлар қўриқ ерга отланадилар.

Яқин кунлар ичида комсомол-ёшлар тушган поезд Қорақалпоғистон томон йўл олади.

Оқ йўл, сизларга қалби олов толмас совет ёшлари!

М. ИМОМОВ.

ФУТБОЛ

„ТОРПЕДО“ ВА ЦСКА — ПЕШҚАДАМ

Ўтган чоршанба куни футбол бўйича мамлакат чемпионатининг ўнинчи тури ўйналди. Бунда қуйидаги натижаларга эришилди: «Торпедо» (Кутаиси) — «Пахтакор» (Тошкент) — 4:0, СКА (Одесса) — «Динамо» (Киев) — 0:2, «Нефтяник» (Боку) — «Локомотив» (Москва) — 1:1, «Спартак» (Москва) — ЦСКА — 1:1, «Зенит» (Ленинград) — «Черноморец» (Одесса) — 5:1, «Крилья Советов» (Куйбишев) — СКА (Ростов-Дон) — 1:1.

ЦСКА футболчилари биринчи ўринга чиқиб олишлари мумкин эди. Улар биринчи бўлиб ҳисобни очган ҳам эдилар. Лекин кейинчалик «Спартак» командасига ташаббусни бериб қўйиб, ўз дарвозаларига тўп ўтказиб юбордилар.

Энг орқада келаётган «Торпедо» (Кутаиси) футболчиларининг «Пахтакор» устидан қозонган ғалабаси ўнинккинчи турдаги сенсация бўлди. Улар кетма-кет саккиз мағлубиятдан сўнг «Пахтакор» дарвозасига тўртта жавобсиз тўп урдилар.

Ҳозир Москванинг икки командаси — «Торпедо» ва ЦСКА 17 тадан очко тўплаб, турнир жадвалида пешқадамлик қилмоқда. (ТАСС).

ЕР КУРРАСИДА

„ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШУҲРАТИ — УНИНГ ОДАМЛАРИДИР“

Ҳиндистондаги Уттар-Прадеш штати Қонун чиқариш ассамблеясининг депутатлари Бхагван Сахан билан Никрам Шарма ўзларининг Ўзбекистонга қилган ўн кунлик саёҳатларини баҳолаб, «бу — илҳомбахш сафар бўлди» деб айтишди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг меҳмонлари бўлган Бхагван Сахан билан Никрам Шарма республика ҳаёти билан танишдилар. Уларнинг саёҳат программасига Тошкентдан ташқари Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Фарғона, Андижон, Наманган ҳам киритилди. Меҳмонлар Мирзачўлни забт этувчилар билан учрашдилар.

Уттар-Прадеш штати Қонун чиқариш ассамблеясининг депутатлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова ва республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов қабул қилдилар.

Бхагван Сахан Ўзбекистон телеграф агентлиги мухбири билан суҳбатда бундай деди: Экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида Ўзбекистон эришган тараққиётга қойил бўлдик. Республиканинг одамлари бизда энг кучли таассурот қолдирди. Республиканинг шон-шуҳрати, тараққиёт ижодкорлари ана шу одамлардир, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда замонавий техниками пухта эгаллаб олган, ҳар тарафлама ўқимишли ажойиб кишилар ўсиб етишди. Бу ишларнинг ҳаммасида социалистик системанинг кучи кўринib турибди. Биз ўзбек дўстларимиз билан суҳбатлашиб, барча совет гражданлари сингари улар ҳам тинчликдан сидқидил манфаатдор эканликларини англадик. Ҳинд халқининг шундай дўстлари борлиги бизни қувонтирмоқда.

Никрам Шарма суҳбатда қуйидагиларни айтди: шеригим, депутат Бхагван Сахан сингари мен ҳам Ўзбекистон Олий Совети ва маҳаллий Советларининг фаолияти билан қизиқиб танишдим. Халқ билан яқиндан алоқада бўлиш, сайловчилар олдидаги юксак масъулиятни англаб туриш, деди меҳмон, сизларнинг депутатларингизга хос хусуситларидир. Совет Иттифоқида депутат башарти ишончни оқламайдиган бўлса, сайловчилар уни чақириб олишлари мумкинлиги биз учун ғоят ибратли ишдир. Бу — юксак демократия намунасидир. Совет депутати тегишли ҳуқуқларни олгандан сўнг кабинетда биқиниб ўтирмай, балки ўз округига бориб, ташкилотчилик ишлари олиб бориши, вақт-вақти билан сайловчилар олдида ҳисоб бериб туриши жуда муҳимдир. Никрам Шарма таассуротларни ўртоқлашиб, республикада ёш авлодга нақадар катта эътибор берилаётганини ҳамма жойда кўрдик, деди. Бундай эътибор фақат социалистик жамиятга хос белгидир.

Уттар Прадеш штати Қонун чиқариш ассамблеясининг депутатлари 7 июлда Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

ҚЎШМА ПЛЕНУМ

РИМ, 7 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда Италия коммунистик партияси Марказий Комитети билан Марказий Контроль комиссиясининг қўшма пленуми иш бошлади. Пленум кун тартибида қуйидаги масалалар турибди:

«Сўл марказчи ҳукуматга қарши кураш, бирлик проблемасини ҳал қилишда партиянинг вазифалари ва унинг фаолияти (докладчи — Италия коммунистик партия раҳбарлиги ва секретариатининг аъзоси Алессандро Натта), халқаро аҳволнинг ёмонлашиб қолганлиги ҳамда коммунистларнинг тинчлик ва халқлар озодлиги учун кураши (докладчи — Италия коммунистик партияси раҳбарлиги ва секретариатининг аъзоси Марио Аликата), Италия коммунистик партиясининг XI съездини чақириш (докладчи — Италия коммунистик партияси раҳбарлиги ва секретариатининг аъзоси Энрико Берлингуэр).

ОЗОДЛИК МАШЪАЛИ

ЗАНЖИБАР, 7 июль. ТАСС мухбири Ю. Устименко хабар беради:

Бирлашган Танзания Республикасининг ёшлари мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб машъал кўтариб ўтдилар. Бу машъал Африканинг ҳамма қисмида ловуллаб турган озодлик алангасининг рамзидир. Машъални ёқиш маросимида Занжибар ёшларининг мактуби ўқиб берилди. Бу мактубда ёшлар блокларга қўшилмаслик ҳақида мамлакат ҳукумати томонидан эълон қилинган сиёсат принципларига амал қилишга қатъий қарор берганликларини билдирадилар.

Ёшлар Танзанияни ва революциянинг ғалабаларини ҳимоя қилиш учун бутун жонимизни беришга тайёрмиз дедилар. Африка бирлиги империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашда бизнинг қуролимиздир.

ҚУШИНЛАРНИ ОЛИБ КЕТИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ДЕҲЛИ, 7 июль. (ТАСС). Кач Ранниндан Ҳиндистон қўшинларини олиб кетиш тузилган планга мувофиқ равишда амалга оширилмоқда, деди кеча бу ерда Ҳиндистоннинг расмий вакили. Покистон қўшинлари ҳам ўзларининг шу райондаги позицияларидан олиб кетилмоқда, деб таъкидлади у.

БЕМАЪНИ УРУШ

Л О Н Д О Н

Яқинда тузилган «Вьетнамга медицина ёрдами кўрсатиш комитети» Англия аҳолисига мурожаат қилиб, уни Шарқи-Жанубий Осиёдаги Америка агрессиясининг қурбонларига мадад кўрсатишга чақирди.

Комитет Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг Жазоирдаги миссияси орқали дори-дармонлар юбормоқчи ва бошқа хил медицина ёрдами кўрсатмоқчи.

Комитет ташкилотчилари орасида Англиянинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари бор.

Қ О Ҳ И Р А

Вьетнам халқи Америка агрессорлари устидан тўла ғалаба қозонгунча қурашаверишга қаттиқ бел боғлаб қўйган, деди Вьетнам Демократик Республикасининг Қоҳирадаги муваққат ишлар вакили Хоанг Канг матбуот конференциясида. АҚШ авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси территориясига осмондан вахшиёна ҳужумлар қилаётганини қоралаб, у бундай деб таъкидлади: Америкалик осмон қароқчиларининг мақсади тинч аҳолини қириб ташлаш ва мамлакатнинг саноат районларини йўқ қилишдир.

Д Е Ҳ Л И

«Вьетнам проблемасини ҳал қилишнинг бирдан-бир чораси — барча чет эл қўшинларини ана шу мамлакатдан олиб чиқиб кетиш ҳамда халққа ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини беришдир», — деди Ҳиндистон парламентининг аъзоси Кришнэ Менон. «Коммунизмни тийиб туриш баҳонаси билан ҳарбий агрессияни кенгайтириш жуда хатарли оқибатларга олиб бориши мумкин ва ҳар ҳолда, Қўшма Штатларга ғалаба келтирмайди, деб хулоса чиқарди К. Менон.

Ж А К А Р Т А

Норозилик намойишининг қатнашчилари Шимолий Суматра пойтахти Медандаги Америка консульхонасининг биноси олдидан «АҚШнинг агрессияси тўхтатилсин», «Америкаликлар, Вьетнамдан жўнаб кет!», — деган шиорларни кўтариб ўтдилар.

Намойиш қатнашчилари Вьетнам Демократик Республикасига осмондан қилинаётган ҳужумлар тўхтатилсин ва Америка қўшинлари Жанубий Вьетнамдан олиб кетилсин, деб талаб қилдилар.

М А Н И Л А

Филиппин конгресси сенатининг ташқи ишлар комиссияси раҳбарлари Филиппин солдатларининг Жанубий Вьетнамга юборилишига қарши чиқдилар. Бу хабарни Маниладаги «Дейли Миррор» газетаси эълон қилди. (ТАСС).

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ПАРТИЗАНЛАРИНИНГ ЗАРБАЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 июль. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари отряди кеча кечқурун Сайгондан 20 миля шимолдаги дарё бўйида пистирма қурдилар. Жазо отрядлари кемалари карвони шу дарёда сузиб бормоқда эди. Ватанпарварлар Сайгон солдатлари бўлинмаси тушган ҳарбий кемани ботирдилар.

Информация агентликларининг хабар беришича, Америка ва Австралия қўшинлари партизанлар билан курашмоқ учун «Д» зонасига кирган эдилар. Ўрмонзорларда яшириниб ватанпарварлар уларни милтиқлардан ўққа тутдилар.

ПЕРУДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

ЛИМА, 7 июль. (ТАСС). Пренса Латина агентлигининг мухбири Лимадан хабар беради: Перу полиция маъмурлари мамлакатда жуда кўп киши қамоққа олинганлигини тан олдилар. Улар илгари қамоққа олишлар тўғрисидаги хабарларни рад этган эдилар. Қамоққа олинганлар сони 700 кишига етиб қолди.

Лимада бир неча бомба портлатилганлиги ва марказий районларда партизанлар ҳаракати кучайиб кетганидан кейин, ҳукумат ўтган якшанба куни конституцион гарантияларни ўттиз кунлик муддат билан бекор қилди. Шундан кейин Перуда қамоққа олишлар бошланиб кетди. Қамоққа олишлар билан бир вақтда партизанлар билан курашиш учун полиция, қўшинлар авиация сафарбар қилинмоқда.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.25 — **Унутилмас дамлар** (болалар учун), 18.50 — **Баҳор ва ёшликни куйловчи шоир.** 19.20 — **Мен — Куба** номли бадиий фильмнинг 2-серияси.

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар.** 20.55 — Пойтахтимиз меҳмонлари. **Ужар қизнинг бўйсундирилиши** (Андижон область Охунбобоев номли муздрамкомедия театрининг спектакли).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Олмаота телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — **Андижон область Охунбобоев номли муздрамкомедия театри гастролларн** — 10/VII да **Нодира.** Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/VII да **Майсаранинг иши,** 10/VII да **Трубадур.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Улуғ Ватан уруши (кундуз ва кечқурун). **Оқар Волга** (кеч соат 7 яримда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Авария — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 да).

Байжу Бавра — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Эрлар гурунги — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Париж сирлари — «СПУТНИК» (кундуз соат 1, 5 ва кеч 9 да).

Даҳшатли тунлар — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 10.20 минутда).

Янгра, барабан! — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ БИНОДА:

(кеч соат 9 да бошланади)

Байжу Бавра — НАВОИЙ номли. ПУШКИН номли.

Ҳаммаси сиз учун — КАФАНОВ номли. «1 МАЙ».

Жосус билан учрашув — «ФЕСТИВАЛЬ».

Авария — «ВАТАН».

Фожиали ов — «УДАРНИК».

Жоао Корраль сири — ТЕЛЬМАН номли.

Тошкент шаҳридаги Охунбобоев номли клубнинг театр залида (Ҳамза кўчаси, 10-уй, Эскижува) **қозирдан 1 августгача** ҳар куни кеч соат 7 дан олий ўқув юртларига кирувчиларга ёрдам циклида **математика, химия, физика, она тили ва адабиётдан**

ОБЗОР ЛЕКЦИЯЛАР

УТКАЗИЛМОҚДА.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Газ асбобларининг яхши ишлаши

ВА ГАЗДАН БЕХАТАР ФОЙДАЛАНИШ — КЎПИНЧА УНИНГ БИЛАН

ТЎҒРИ МУОМАЛА ҚИЛИШГА БОҒЛИҚДИР

Шунинг учун:

Газ плитасидан фойдаланишдан олдин, кухнянинг эшик ва деразасини очиб, шамоллатиб олинг ва газ асбобидаги ҳамма кранларнинг ёпиқ ёки очиқлигини кўздан кечиринг.

Сўнгра газ трубасидаги кранни очиб, ёқилган гугуртни горелкага тутинг ва шу горелканинг кранини очинг.

Ёқилган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг.

Маст ҳолдаги кишиларни ва болаларни газ асбобларига йўлатманг.

Газдан фойдаланиб бўлгандан кейин газ трубасидаги кранни ва газ асбобидаги кранларни ёпинг.

Газ асбоби ўрнатилган хонада газ ҳиди сезилса чекманг ва ўт ёқманг, электр чироқлари ва электр асбобларини ҳам ёқманг. Форточкани очиб, хонани шамолдатинг ва дарҳол 5-26-20, 5-26-21-телефон орқали авария хизмати слесарини чақиринг.

Газ чиқмасин ҳамда бунинг натижасида портлаш ва заҳарланиш ҳоллари юз бермасин учун, газ асбобларини бир жойдан бошқа жойга кўчириш қатъиян тақиқланади.

Шуни эсда тутингки, ҳаво билан қоришган газ портлаш хавфини туғдиради. Шу сабабли газдан ва газ асбоблардан фойдаланиш қоидаларига қаттиқ риоя қилинг.

«Ташпромкоммунгаз» трести.

Тошкент шаҳрида янги ташкил этилган

КИЙИМ РЕМОНТ ҚИЛИШ («РЕМОНТ ОДЕЖДИ») КОМБИНАТИ

ва унинг қабул пунктлари

ЭРКАК, ХОТИН-ҚИЗ ВА БОЛАЛАР

КИЙИМИНИ,

шунингдек мўйна буюмларни

ремонт қилиш

ва тиклаб бериш учун

АҲОЛИДАН

ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

Ленин районида — Аппаратная кўчаси, 10-уй;

Куйбишев районида — Пушкин кўчаси, 22-уй, Олой бозори, 4-Жилгородок, Паркент бозори, Циолковский кўчаси, 123-уй, Мересьев кўчаси, 10-уй;

Фрунзе районида — Туркман бозори;

Чилонзор районида — Гагарин кўчаси;

Киров районида — Карл Маркс кўчасидаги, Маиший хизмат уйи, Мингўрик кўчаси, 12-уй, Абразив завод, Носиров кўчаси, 37-уй;

Октябрь районида — Ҳамза кўчаси, 45-уй.

Калинин район, Қатортол қишлоқ советидаги «Москва» колхозининг «Қизил Шарқ» участкасида турувчи **Шавкат Султонович Султонов**нинг Кемерово область, Прокофьевск шаҳар, Латвийская кўчаси, 26-уй, 44-квартирада турувчи Валентина Павловна Султоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Маннон Уйғур кўчаси, Оқтепа проезд, Питомник тупик, 9-уйда турувчи **Маҳкам Сайдуллаев**нинг шу уйда турувчи Муборак Сайдуллаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Генерал Петров кўчаси, 2-уйда турувчи **Валерий Антонович Зайцев**нинг 2-Ульяновский проезд, 24-уй, 6-квартирада турувчи Евгения Дмитриевна Пошвинчукдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Черданцев кўчаси, 6-уйда турувчи **Зякие Нургаязовна Сафинан**инг Татаристон АССР, Аксуваевский район, Новоибрайкино қишлоғида турувчи Галямула Мотигулович Сафиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Эгарчи кўчаси, Отлиқ проезд, 67-уйда турувчи **Ғафуржон Исмоилович Алимуҳамедов**нинг Чирчиқ шаҳар, Ниёзбек кўчаси, 91-а уйда турувчи Мария Александровна Алимуҳамедовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, 2-Сельмаш проезд, 11-уй, 22-квартирада турувчи **Мария Яковлевна Подшивалов**анинг Қрим область, Жанкой шаҳар, Удовицкий кўчаси, 41-уйда турувчи Геннадий Иванович Вахрушевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Калинин районидаги «XXI партсъезд» совхозининг 1-бўлимида турувчи **Тўлаган Қосимов**нинг шу совхозда турувчи Турсун Қосимова (Каримова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Чилонзор массив, 8-б сектор, 17-уй, 17-квартирада турувчи **Белла Соломоновна Левит**нинг шу уйда турувчи Фулик Соломонович Израилевичдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

«ИЗОТОП» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ

Тошкентдаги

РЕСПУБЛИКАЛАРАРО КОНТОРАСИ

демонстрация залида якшанба кунларидан бошқа ҳар куни эрталаб соат 9 дан кундуз 5 гача **халқ хўжалигининг турли соҳасида**

АТОМ ЭНЕРГИЯСИНИ ҚЎЛЛАНИШ МАСАЛАЛАРИДА

СУҲБАТ, ЛЕКЦИЯ

ва консультациялар ўтказади.

Корхона ва муассасаларнинг, олий ва ўрта ўқув юртларининг раҳбарлари коллектив бўлиб келиш учун заявка беришлари лозим.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 45-уй. Телефон 5-11-08.

Узбекистон КП Тошкент область партия комитети коллективи область партия комитетининг ходими Ш. Н. Шариповга отаси

НАЗИР ШАРИПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 28-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 03994. Индекс 64969. Нашр. № 1799.